



ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича ислохотлар натижадорлиги таҳлилга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Иқтисодиётнинг ресурс базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, экологияни яхшилашда ўрмон хўжалиги жуда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам охириги уч йилда бу соҳани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимиз ўрмон фонди ерлари 12 миллион гектарга етказилди.

Жумладан, Орол денгизининг 1,2 миллион гектар қуриган тубида ихота дарахтзорлари барпо этилди. Оборотдан чиқиб кетган 10 минг гектар ўрмон хўжалиги ерлари ўзлаштирилди, 5 ярим минг гектарда ёнғоқ, 4 минг гектарда озик-овқат экинлари ва доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этилиб, 3 мингта янги иш ўрни яратилди. Ўрмон хўжалиқларида биринчи мартаба 64 та биологатория ташкил этилди.

Йиғилишда бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплиги таъкидланиб, келгусидаги устувор вазифалар белгиланди. Соҳада хусусий секторни жалб қилган ҳолда, ўрмон ерларини ўзлаштириш, йилкичилик, чорвачилик, уруғчилик, кўчатчилик, туризмни кенг йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Яна 50 минг гектар ўрмонзор барпо этиб, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган ҳамда Тошкент вилоятларида ёнғоқ, pista ва бодом плантациялари ташкил қилиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Мебелсозлик корхоналари хомашёнинг 90 фоизини импорт қилаётганидан келиб чиқиб, улларга кластер усулида павловния ва бошқа мебелбоп дарахтлар етиштириш учун ер ажратиш бўйича топшириқ берилди.

Ўрмон фонди ерларини ўзлаштиришга ҳам субсидия ва имтиёзлар жорий этиш, хусусан, сугориш насослари харид қилиш, қудуқлар қазииш ишларини молиявий қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Бу йилдан бошлаб оборотда бўлмаган ўрмон фонди ерларини ижарага бериш тартиби жорий қилинди. Ҳозирги кунда 20 минг гектар шундай ер ижарага берилган. Бу ишларни давом эттириб, қўшимча ерларни оборотга киритиш ҳамда тадбиркорларга ижарага беришни кенгайтириш вазифаси кўйилди.

Кўп жойларда, жумладан, Қорақўл, Ғиждувон, Шахрисабз, Китоб, Поп, Чортоқ, Нуробод, Қўшрабат, Нурота, Бахмал, Форш, Узун, Бойсун, Оҳангарон, Бекобод туманларида ўрмон хўжалиги резервларида фойдаланиш бўйича ишлар танқид қилинди, етарлича ташкил этилмагани кўрсатиб ўтилди.

Пиллачиликда озуқа базасини кўпайтириш мақсадида фермер хўжалиқларида 2 минг гектар, келгуси йилда 2,5 минг гектарга тут қўчатлари экиш режалаштирилди.

Ўтган йили доривор ўсимликлар плантацияси 2 минг гектарга етказилган эди. Йиғилишда келгуси йили бундай майдонларни 5 минг гектарга етказиб, ҳосилни 8 минг тоннагача ошириш зарурлиги қайд этилди.

Хусусий секторни жалб қилган ҳолда, ўрмон фонди ерларида асаларичилик, чорвачилик ва паррандачилик лойиҳаларини амалга ошириш, бандликни таъминлаб, озик-овқат хавфсизлигини мустақамлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Ўрмонлар сайёҳлар учун ҳам қизиқ. Ўтган йили экотуризм ва ов туризмдан жами 1 миллиард сўм тушган. Лекин бу кам. Бўстонлик туманидаги янги тизим ўрмон ҳудудларида туризмни ривожлантириш бўйича жуда катта захиралар мавжудлигини кўрсатди. Мисол учун, "Бурчмулла" ўрмон хўжалигида хусусий шериклик асосида 300 ўринли экотуризм маскани барпо этилмоқда.

Шундай имкониятларни ишга солиб, келгуси йилда экология ва ов туризмдан даромадларни 10-15 бараварга ошириш мумкинлиги таъкидланди. Шахрисабз, Китоб, Бойсун, Боботог, Зомин, Бахмал, Оҳангарон, Бекобод, Далварзин, Поп, Қўқон, Қозоқдарё ўрмон ва ов хўжалиқларида туризм масканларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда ўрмон хўжалиги бўйича илм-фанни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди.

Маҳаллий пистанинг сувсизликка чидамли ва юқори ҳосил берадиган 13 турдаги янги нави рўйхатдан ўтказиб, кейинги йилдан тоғли туманларда экиш кераклиги қайд этилди.

Давлат ўрмон хўжалиги кўмитасига доривор ўсимликларни маҳаллийлаштириш учун тажриба плантациялари ва илмий марказ, шунингдек, ўрмон тупроқшунослиги, "in vitro" ва уруғчилик лабораторияларини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Соҳада кадрлар салоҳиятини ошириш, ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бўлгани каби ўрмон хўжалигини ривожлантириш учун ҳам халқаро ташкилотлар маблағларини жалб қилиб, йirik инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалаларни инобатга олиб, ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича 10 йиллик дастур лойиҳасини такомиллаштириш вазифаси белгиланди.

Йиғилишда Давлат ўрмон хўжалиги кўмитаси ва ҳудудлар раҳбарлари ахборот берди.

ЎЗА

Бугуннинг гапи

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ — ЯНГИ ДАВР ПОЙДЕВОРИ



Ханим Йўлдошев олган сурат.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқда ватандошларимизни улғу байраминимиз билан табриклаб, "Халқимизнинг улғувор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Ҳақиқат Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, аини учкирақ бўлади", дея таъкидлади.

Айтиш жоизки, Япония, АҚШ, Германия, Франция, Жанубий Корея каби давлатларнинг илм-фан ва инновацияларга асосланган иқтисодий тараққиёт моделлари ҳамда юқори натижалари юксак эътироф этилаётир. Буларнинг барчасига 50 йил олдин пухта ўйланган, илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган кучли давлат сиёсати орқали эришилган. Хусусан, Ўзбекистон ҳудуди ҳам Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида дунёга маълум ва машҳур бўлган.

Халқимизнинг улғувор қудрати буюк ватандошларимиз — алгоритм асосида Муҳаммад ал-Хоразмий, қомусий олим Аҳмад ал-Фарғоний, геодезия ва минералогия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний,

Ғарба Авиценна номи билан танилган Абу Али ибн Сино, давлат арбоби ва буюк астроном Мирзо Улуғбек сингари ўнлаб мутафаккирларнинг оламшумул кашфиёт ва изланишларида намоён бўлиб турибди. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғинович, Ҳаким Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари аждодларимиз номи эса нафақат ислом олами, балки жаҳон цивилизацияси тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари ўз нутқида илм-фанга қаратилган юксак эътибор хусусида тўхталиб, "Вақт ўтиб, болаларимиз ҳам Улуғбек, Ибн Сино, Беруний бўлади, мен бунга албатта ишонаман", деди.

Давоми 3-бетда

Интервью



ЎРМОНЛАР ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИДИР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 4 сентябрь куни ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича ислохотлар натижадорлиги таҳлилга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Ўрмонлар экологик муҳитни яхшилаш баробарида иқтисодиётнинг ресурс базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутди. Шу боис, охириги уч йилда соҳани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимиз ўрмон фонди ерлари 12 миллион гектарга етказилди.

Видеоселектор йиғилишида эришилган натижалар билан бир қаторда ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплиги таъкидланиб, келгусидаги устувор вазифалар белгиланди. Ҳукумат вакиллари, тегишли кўмита ва маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари бу йўналишда белгиланган вазифаларни жойларда ижро этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар хусусида куйидагиларни сўзлаб берди:



Азиз АБДУРАХИМОВ, Бош вазир ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси:

— Видеоселектор йиғилишида ўрмон хўжалигини ривожлантириш,



Қаҳрамон САРИЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси:

соҳада туризм хизматларини кенгайтириш, сайёҳлар учун замонавий инфратузилма яратиш борасида олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Юртимизнинг ноёб табиий маскани бўлган Бўстонлик туманида бугун ўзига хос тажриба тўпланди. Ҳозирги кунда ҳудудда 56 та сайёҳлик йўналиши ишлаб чиқилган, бир кундан беш кунгача сайёҳлик турлари ташкил этилмоқда. Бу, аввало, маҳаллий аҳоли учун даромад манбаи бўлиб хизмат қиляпти. Чунки сайёҳлар маҳаллий аҳоли хонадонидан ташкил этилган оилавий меҳмон уйдан фойдаланади. Шу ҳудудда ишлаб чиқарилган ҳунармандлик, қишлоқ хўжалиги, озик-овқат маҳсулотларини харид қилади.

Тақрорланмас табиий ҳудудларда табиат мусаффолигини асраш,

— Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 6 миллион 600 минг гектардан ортиқ ўрмон хўжалиги ерлари бор. 2018-2020 йилларда Оролбўйи ҳудудида 1 миллион 160 минг гектар яшил қўпламали ҳудудлар яратилди. Бу ишларни бажариш учун бир ярим мингта яқин техника воситаси, уч мингта яқин ишчи-мутахассис жалб этилди.

Йиғилишда Президентимиз бизга ўрмон хўжалигини ривожлантириш орқали жорий йил якунигача ва келгуси 2021 йилда 3000 та доимий иш ўрни яратиш топширигини берди. Ўрмон хўжалиги имкониятларидан оқилона фойдалансак, албатта, берилган топшириқни тўла удалашга эришамиз.

Давоми 2-бетда

Муносабат



СУДЛАР ФАОЛИЯТИ РАҚАМЛАШТИРИЛАДИ

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тиклаш, талабларини ўз вақтида кўриб чиқиш, иш бўйича қонуний, асосли ва адолатли суд қарорлари чиқаришда суд ҳокимиятининг ваколати ва ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Чунки судга муносабат қилиш тартиби қанчалик соддалаштирилса, белгиланган муддатлар бузилмаса, низоли талаблар қонуний ва адолатли ҳал қилинса, ишни кўриш жараёни шаффоф ва очик амалга оширилса, судга муносабат қилган фуқаро давлат ва унинг ваколатли идораларидан шунчалик рози бўлади.

Президентимизнинг куни кеча имзоланган "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори нафақат фуқароларга, балки судья ва суд ҳодимларига ҳам муайян қўлайликлар

яратади, тизимда процессуал тартиб-интизомга риоя қилиш устуворлигини таъминлайди.

Мамлакатимизда шу кунга қадар судлар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан судларга масофадан туриб муносабат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш ҳамда суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилишда фойдаланиб келинаётган эди.

Давоми 2-бетда

Интервью



Бошланиши 1-бетда

ЎРМОНЛАР ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИДИР



Рустам ХОЛМАТОВ,
Тошкент вилояти ҳокими:

— Тошкент вилоятида 6 та ўрмон ҳўжалиги бор. Уларнинг балансида 500 минг гектардан ортқ ер майдонлари мавжуд. Йиғилишда фаолиятимиздаги камчиликлар ва эътибордан четда қолаётган жиҳатлар айтилди. Масалан, чорвачиликда имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаслик кўзга ташланди. Ўрмон ҳўжаликлариди 7 минг бошга яқин қорамол бўлса, салоҳиятимиз

бу кўрсаткичи бир неча баробар оширишга етади. Афсуски, қўйчилик, эчкичилик ва қорамолчиликда бош сонини кўпайтириш бўйича ишлар суст.

Қолаверса, вилоятда 50 мингдан зиёд асалари оиласи бўлиб, шундан 3 минггаси ўрмон ҳўжаликлариди ҳудудига тўри келади. Келгусида қўшимча 35 минг асалари оиласини шакллантириш, ўрмон ҳўжалиги фондларидаги ерлардан самарали фойдаланиш орқали аҳоли бандлиги масалаларини ҳал қилиш долзарб вазифамиздир.



Тўра БОБОЛОВ,
Сурхондарё вилояти ҳокими:

— Йиғилишда ўрмон ҳўжалиги соҳасида Сурхондарё вилоятининг имконияти юқорилиги алоҳида таъкидланди. Вилоят ўрмон ҳўжалиги балансида 367 минг гектар ер майдони мавжуд бўлса, 2020-2021 йилларда 2 минг гектардан зиёд ерда ёнғоқ ва пистазорлар ташкил этиш ҳамда павловния дарахтини етиштириш тўғрисида алоҳида йўналишлар белгилаб берилди. Шунингдек, Узун туманидаги Боботўғ ҳудудида 27 минг гектар ерга писта экиш мўлжалланмоқда.

Очиқ айтиш керакки, бугунги кунда ўрмон ҳўжалиги ерларидан деярли даромад олинмапти. Биз ўзимизда мавжуд ресурс ва имкониятлардан максимал даражада фойдаланганим бўлсак, ҳеч бўлмаганда йилга 25 миллиард сўм соф даромад олишимиз мумкин.

Айтилган, қоврак доривор ўсимлигини етиштириб, вилоятда бир йилда 10 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилиш имконимиз бор. Икки йил олдин экилган шафран бу йил ҳосилга кирди. Ундан ҳам етарлича даромад олиш мумкин. Таҳлиллардан биз имкониятларни тўлиқ ишга сола олмаётганимиз яққол кўриниб қолди. Бу ислохотлар замирида бандлик масаласини ҳал қилиш ётганини ҳис қилишимиз ва унутмаслигимиз кераклиги алоҳида таъкидланди.



Низомиддин БАКИРОВ,
Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси раиси:

— Охириги икки йилда доривор ўсимликлар майдонлари 2 минг гектардан 3,5 минг гектаргача кенгайтирилди. Аммо бу ҳозирги талабга нисбатан озлиги боис, Президентимиз 2021 йилдан бошлаб доривор ўсимликлар майдонларини 5 минг гектарга, улардан олинанидан маҳсулот ҳажминини эса 8 минг тоннага етказиш бўйича топшириқлар берди.

Йиғилишда овчилик ва экотуризмни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Президентимизнинг 2020 йилдан бошлаб ўрмон фонди ерларини ижарага бериш бўйича қабул қилинган қарорлари асосида ҳозирги кунгача 20 минг гектар ер майдони тадбиркорлар,

фуқароларга ижара асосида берилди. Бунинг натижасида соҳада ялпи ишлаб чиқариш даромади кун сайин ортиб бормоқда. 2021 йилдан 2030 йилга қадар ушбу даромадди 1 триллион сўмга етказиш бўйича ҳисоб-китоблар қилиниб, йўл хариталари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, соҳани янада ривожлантириш учун малакали кадрларни етказиб бериш, илмни ишлаб чиқаришга боғлаш каби масалаларни қайта кўриб чиқишимиз лозим. Мазкур чоратадбирларнинг бари ягона мақсад — халқимиз фаровонлиги ва турмуш шароитини яхшилаш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш ҳамда уларнинг экологик тоза маҳсулотга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Бугун экилаётган ҳар бир дарахт, пистазор ва бодомзорлар эса эртанги авлод учун замин бўлиб яралади.



Шерзодий ЖўРАЕВ,
Зомин тумани ҳоқимининг биринчи ўринбосари:

— Зомин давлат ўрмон ҳўжалиги ҳудудида 2019-2020 йиллар мобайнида қиймати 136 миллиард 400 миллион сўмлик 9 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Уларни ҳаётга татбиқ этиш орқали 155 та янги иш ўрни яратилади.

Шунингдек, ўрмон ҳўжалиги томонидан 5 минг гектар ер майдонида қиймати 500 миллион сўм бўлган пистазор ташкил этиш, қиймати 2 миллиард сўмга тенг фиточой ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

“Zomin Agrofruits” МЧЖ томонидан 250 гектар ер майдонида қиймати 3,9 миллиард сўмлик пистазор яратилапти. Яна бир корхона томонидан қуриладиган қиймати 41 миллиард сўмлик замонавий меҳмонхона хизмати лойиҳаси ҳам сайёҳлар эътиборини ўзига тортиши шубҳасиз.

Ҳудудда, шунингдек, “Соф асал Зомин” ишлаб чиқариш кооперативи фаолияти йўлга қўйилди. Асосан камбағал оиладан аъзолари ва меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, мазкур кооперативга бириктирилади.

Биз, албатта, бу лойиҳаларни амалга ошириш учун тегишли қўмиталар ҳамда вазирликлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, бор имкониятларимизни ишга солашимиз.

Муносабат

СУДЛАР ФАОЛИЯТИ РАҚАМЛАШТИРИЛАДИ



Замира ЭСАНОВА,
Тошкент давлат юридик университети профессори

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари қарори билан энди судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўламда жорий этиш, тизимда электрон муносабатларни йўлга қўйиш, энг асосийси, судлар фаолиятини рақамлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ва мустаҳкамлаш имконияти берилди.

Мазкур қарор воситасида суд ҳоқимияти фаолияти ҳам рақамлаштирилади. Бунинг натижасида процессуал

бориш имкониятига эга бўлади. Амалда мавжуд бўлган видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланиш усуллари ҳам кенг татбиқ этилади. Судларга онлайн муурожаат қилиш, масофадан туриб суд мажлисида иштирок этиш, чиқарилган суд қарорларини онлайн олиш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш имконияти туғилади.

Таъкидлаш лозимки, эндиликда апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш имконияти вужудга келади. Шу кунга қадар бундай амалиёт туманлараро, туман, шаҳар судларидагина мавжуд эди.

Қарор билан суд процесси иштирокчиларини суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида SMS хабар орқали бепул хабардор қилиш имконияти пайдо бўлди. Бу, ўз навбатида, тарафларнинг суд мажлиси вақтида келишини, процессуал мажбуриятларини бажаришини, уларни айрим суд ҳаражатларидан озод қилишни таъминлайди, суд мажлисини бошқа кунга қолдириш ҳолатларига барҳам беради.

Суд қарорларини (ҳуқм, ҳал қилув қарори, ажрим, суд буйруғи, қарори

топшириқлари юбориш ва бошқаларни талаб қилиб олишга шароит яратилади.

2022 йил 1 январдан бошлаб Судьялар олий кенгашига судьялар, судьялик лавозимларига номзодлар томонидан электрон муурожаат қилиш, суҳбат жараёнида бериладиган савол ва вазифаларни ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлаш имконияти берилмоқда. Ушбу ўзгариш орқали суд тизимини билимли, малакали, мулоҳазали, энг муҳими, ҳалол, тизимга муносиб номзодлар билан тўлдириш мумкин бўлади.

Қарорда Судьялар олий мактабига унинг расмий веб-сайти орқали ариза ва муурожаатларни йўллаш, профессор-ўқитувчилар ва тинловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, малака ошириш курслари тинловчиларнинг ўқув жараёнини онлайн тарзда назорат қилиш тартибинини ўрнатиш ҳам кўзда тутилган. Ушбу тартиб Судьялар олий мактаби фаолиятини янада яхшилашга, у ерда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини, илмий салоҳиятини кўтаришга, ўзаро рақобатбардошлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Ҳужжатда республикамиз ҳудуд-



Қарор билан суд процесси иштирокчиларини суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида SMS хабар орқали бепул хабардор қилиш имконияти пайдо бўлди. Бу, ўз навбатида, тарафларнинг суд мажлиси вақтида келишини, процессуал мажбуриятларини бажаришини, уларни айрим суд ҳаражатларидан озод қилишни таъминлайди, суд мажлисини бошқа кунга қолдириш ҳолатларига барҳам беради.

ҳаракатлар тезкорлиги, шаффофлиги ва қулайлиги ошади. Судларнинг бошқа органлар билан боғланиш, ҳамкорлик қилиш имконияти тезлашади. Хусусан, ахборотлар алмашинуви, маълумотлар тайёрланиши, қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиши, қийсий таҳлилий материаллар яратилишига қулай шароит яратилади. Суд тизимини идоралари ичида локал тармоқларда ходимларнинг ўзаро боғланиш даражаси янада кенгайди. Суд топшириқлари бериш, ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш, далилларни таъминлаш ва бошқа процессуал ҳаракатларни бажариш тезлашади. Суднинг фуқаролар билан боғланиш имконияти, улар билан ахборот алмашинуви юқори даражага олиб чиқилади.

Пандемия шароитида фуқароларни онлайн қабул қилиш, уларнинг муурожаатларини адолатли ҳал этиш, ҳар бир муурожаатнинг ечимини билан нафақат тарафлар, ишдан манфаатдор шахслар, балки юқори суд тизими раҳбарияти ҳам онлайн танишиб

ва бошқа) иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўлганда, қоғоз шаклида ҳам тақдим этиш имконияти берилдики, бу ҳам бевосита фуқароларга суд ҳужжатларидан нусхалар олиш ва танишишининг муқобил усуллари жорий этилганини кўрсатади.

Бундан ташқари, суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш тартибига руҳсат берилди. Айнан ушбу масала кўпдан бери қўтилаётган, суд архиви ишдаги айрим муаммоларга барҳам берадиган, судья ва суд ходимларига, айниқса, архивариусга қулайлик туғдирадиган янгиликдир.

Шу билан бирга, муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш, исботлаш ва далилларни тўплаш, зарур материалларни ишга қўшимча жалб қилиш, суд

ларида судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлиги ва малакасини ошириш, уларни ахборот-технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари бириктирилиши кўрсатилган. Ушбу тартиб, шубҳасиз, судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли технологиялар бўйича саводхонлиги ва малакасини оширишга ёрдам беради.

Мазкур қарор суд тизими, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабига ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш, жисмоний ва юридик шахслар судларга муурожаат қилишида ва судлар фаолияти билан ақидан танишишида, энг асосийси, суд жараёнида электрон муносабатларни ривожлантириш ва судлар фаолиятида тезкорлик, қулайлик ҳамда очқиклиги таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳоқимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

- ✓ Қарор билан судлар фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари белгиланди.
- ✓ Қарор билан қуйидагиларни назарда тутувчи 2020-2023 йилларда суд ҳоқимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури тасдиқланди:

- ✓ 2022 йил 1 январдан суд қарорларини тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш;
- ✓ 2022 йил 1 июлга қадар судлар фаолиятида, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорларга одил судловга эришишга қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш;
- ✓ 2023 йил 1 январдан суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш;

- ✓ 2021 йил 1 январдан судларда суд мажлисини тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлиси баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш;
- ✓ 2021 йил 1 июлдан апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш;
- ✓ 2021 йил 1 октябрдан барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш;

- ✓ Жумладан, фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турлари кенгайтирилади, ҳар бир муурожаатни кўриб чиқиш жараёнини онлайн кузатиб бориш таъминланади, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имконияти яратилади.



2021 йил 1 октябрдан барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш;

- ✓ судлар, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабига ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш.
- ✓ Қарорга кўра, 2022 йил 1 январдан судлар фаолиятига қуйидаги имкониятларни берувчи “Адолат” ахборот тизимлари комплекси жорий этилади:



- ✓ давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳоқимияти органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш;
- ✓ манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш;
- ✓ суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш;
- ✓ суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган равишда шакллантириш.



Шунингдек, 2020 йил якунига қадар суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи мобил дастур ишлаб чиқилади.

Бугуннинг гапи



ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ — ЯНГИ ДАВР ПОЙДЕВОРИ



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
инновацион ривожланиш вазири

Бошланғичи 1-бетда

Айнан шундай улуғ йўлда Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсадларидан бири инсон капиталини ривожлантириш бўлса, бошқаси 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакатга тарқибга кириши белгилангани барчаннинг ёдида, албатта.

Ўзбекистон Глобал инновацион индексда 2015 йили жаҳоннинг 141 давлати орасида 122-ўринни эгаллаган эди. Ундан кейинги йилларда эса ушбу рейтингга республикамиз киритилмаган. 2020 йили Ўзбекистон Глобал инновацион индексда 2015 йили жаҳоннинг 141 давлати орасида 122-ўринни эгаллаган эди. Ундан кейинги йилларда эса ушбу рейтингга республикамиз киритилмаган. 2020 йили Ўзбекистон Глобал инновацион индексда 2015 йили жаҳоннинг 141 давлати орасида 122-ўринни эгаллаган эди. Ундан кейинги йилларда эса ушбу рейтингга республикамиз киритилмаган.

Илм-фан соҳаси олдидаги муҳим вазифа миллий иқтисодий тармоқларнинг инновацион жиҳатдан модернизациялаш жараёнини тўла-тўқис таъминловчи, самарали ва рақобатдош тадқиқот ҳамда ишланмаларни шакллантиришдир. Мамлакатимизда 2006 йилдан бошлаб илмий ва инновацион лойиҳаларни танлов асосида грант тизими орқали молиялаштириш механизми қўлланилмоқда.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2006-2017 йилларда грант асосида бажарилган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг амалий натижадорлиги таҳлил қилинди. Таҳлил ва ўрганишлар натижаларига кўра, "фундаментал тадқиқотлар — амалий тадқиқотлар — инновация ишлари" занжирининг изчиллиги таъминланмагани аниқланди. Лойиҳалар умумий характерга эга бўлган йўналишларда 2–5 йилда бир марта олимларнинг ташаббуслари асосида шакллантирилган ва 3–5 йил давомида амалга оширилган. Битта лойиҳанинг молиялаштирилиш ҳажми ўртача 150 миллион сўм миқдорига бўлиб, унинг ўртача 80 фоизи олийк маошларга йўналтирилган ва моддий-техник базани яхшилашга сарфланмаган. Лойиҳаларнинг аксарияти ўқув натижасига қаратилган ҳам тизимнинг салбий жиҳатларидан бўлган. Лойиҳаларда хусусий сектор ва тармоқ ташиқлотларининг ўрни ҳамда молиявий улушлари деярли бўлмаган.

2018 йилдан бошлаб Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан илғор хорижий тажрибалар асосида фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни грант асосида молиялаштириш тизимини тубдан ислоҳ қилиш асосида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси механизми жорий этилди.

Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, илм-фан соҳаларига сарфланган ҳаражатлар ўтган йиллар мобайнида қарийб 14 фоиз ошган. Бу кўрсаткич 2018 йили 528,8 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб 603,3 миллиард сўмга ошган. Бироқ бугунги кунда илм-фани молиялаштириш ҳажми яппи ички маҳсулотга

нисбатан 0,2 фоизни ташкил қилиб, йиллар давомида ўзгармаяпти. Ушбу кўрсаткич жаҳон бўйича ўртача 1,7 фоизга тенг. Хусусан, Хитойда 2008 йили 1,4 фоиздан 2,14 фоизгача, Корея Республикасида 3,1 фоиздан 4,5 фоизгача ошган. Бундан ташқари, тармоқ корхоналарининг илмий тадқиқотларга буюртма бериши ва молиялаштиришдаги иштироки сустлиги давлат бюджетига қўшимча юк бўлиб тушмоқда. Сўнги 3 йил мобайнида илм-фан соҳасига давлат бюджетидан ажратилган маблағлар 2-3 мартагача оширилган бўлса-да, бу ўсиш суръати асосан, илмий фаолият билан шугулланувчи субъектларнинг олийк маошини оширишга йўналтирилиб, мамлакатда илмий ташиқлотларнинг моддий техник базасини ривожлантиришга етарли маблағ ажратилмай қолган.

Охириги йилларда илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни ўзаро боғлайдиган мустақам механизм босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда. 2017–2020 йилларда қатор илмий, таълим ва инновацион ташиқлотлар (тузилмалар) ташкил этилгани мамлакатимиз ривожланишида илм-фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган ислохотларнинг амалий натижасидир.

Бундан ташқари, 2017–2020 йилларда Президентимиз фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, тегишли баёнларда Инновацион ривожланиш вазирлигига илмий фаолиятга оид дастурлар доирасида лойиҳаларни шакллантириш ва молиялаштириш юзасидан жами 74 та янги устувор топшириқ белгиланган.

Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, янги илмий ташиқлотларнинг илмий фаолият билан шугулланишини таъминлаш ва устувор топшириқларнинг сифатли бажарилиши учун ҳозир кўзда тутилган суммага қўшимча маблағ жалб қилиниши зарур. Бунинг ечимини сифатида, аввало, хорижий мамлакатлар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш кўлами кенгайтирилмоқда. Халқаро илмий ҳамкорлик доирасида Германия, Россия ва Беларусь билан биргаликда 9,6 миллиард сўмлик 38 та қўшма илмий лойиҳа бажарилмоқда.

Илмий фаолиятга хусусий сектор маблағларини жалб қилиш учун илмий лойиҳаларни хусусий сектор ва тармоқ ташиқлотлари билан тенг шерикликда молиялаштириш амалиёти йўлга қўйилди. Илмий фаолиятга оид дастурларни молиялаштиришга хусусий сектор ва тармоқ корхоналарининг 30 миллиард сўм қўшимча маблағи жалб қилинмоқда. Бундан ташқари, халқаро ташиқлотлар инвестицияси оқимини кўпайтириш учун 219 миллион АҚШ доллари миқдоридagi халқаро техник кўмак ва грантлар жалб қилиш бўйича 21 та лойиҳа танлаб олиниб, донор ташиқлотлар билан мақсадли музокаралар ўтказилмоқда.

Илмий-инновацион лойиҳаларни қўшимча молиялаштириш мақсадида Жаҳон банкининг Ўзбекистонда миллий инновацион тизим шакллантиришга ажратилган 50 миллион АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли заём маблағларини жалб қилиш юзасидан келишувга эришилди.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, 2021 йилдан илм-фан ва инновация соҳасига ажратилган молиялаштириш ҳажмини ЯИМга нисбатан 0,8 фоизга етказиш бўйича амалий савб-ҳаракатлар қилинган. Бу кейинги йилларда илм-фаннинг ривожланиши ва Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индекс халқаро рейтингини погоналарида қўриқлаб боришида катта аҳамият касб этади.

Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ўтказилаётган лойиҳалар танловида бир неча илмий-тадқиқот муассасаларининг салоҳиятини жалб қилган ҳолда, иқтисодиёт тармоқлари ёки илмий соҳага доир мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, "Пахта майдони агрофониини шакллантириш ва кластер асосида пахта хомаёсинини машина орқали бир теримда йиғиб олиш учун техник воситаларнинг таянч тўпламини ишлаб чиқиш" мавзусидаги инновацион лойиҳа бир пайтнинг ўзида 12 та илмий-тадқиқот муассасаси олимларининг илмий салоҳиятини бир жойда жамлаган ҳолда бажарилмоқда. Мазкур лойиҳада пахта экиш учун ер тайёрлашдан тортиб,

ҳосилни бир теримда йиғиб олишгача бўлган жараёнлар учун техник воситалар тўплами яратилади. Ушбу жараёнларни амалга оширувчи юқори малакали мухтаassisлар тайёрлаш масалалари ҳам қамраб олинган.

"Персоналлаштирилган қишлоқ хўжалиги учун янги авлод навларига мос биосимуляторлар, биоўғитлар ва химия воситаларини яратиш" мавзусидаги амалий лойиҳа Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти, Геномика ва биоинформатика маркази ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазириликнинг Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти олимлари ҳамкорлигида бажарилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда уч юзга яқин илмий ва олий таълим муассасалари, тажриба-конструкторлик ташиқлотлари, илмий-ишлаб чиқариш корхоналари, кичик инновацион марказлар ва бошқа илмий-техникавий тузилмалар грант асосида илмий лойиҳаларни бажаришда иштирок этмоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистон олимлари фундаментал фан ва унинг натижаларини амалиётга таъбиқ этиш борасида бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Табиий фанларнинг асосий соҳалари — астрономия, физика, математика, кимё, биология, фармацевтика, геология, сейсмология ва бошқа жабҳаларда жаҳон миқёсида қизиқиш уйғотаётган натижаларга эришилди. Иқтисодиётнинг минерал хомаёш ресурсларини чиқиндисиз ва самарали қайта ишлаш, қуёш энергетикаси ва бошқа қайта тикланадиган энергия манбаларида фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологиялари, кимё ва биотехнология, генетика, экология, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, фармакология, тиббий диагностика каби ҳаётини муҳим тармоқларида маҳаллий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишлари бажарилмоқда.

Фундаментал тадқиқотлар натижасида тўпланган янги билимлар олимларнинг амалий ва инновацион ишланмаларида ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, юртимизнинг йирик кимё ва нефть-кимё корхоналарида маҳаллий инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқариш жараёни ташкил этилди. Натижада импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди (ўғитлар, дефолиантлар, ўсиш стимуляторлари, юқори марказли авиация ёнилғиси ва бошқалар).

Бир қатор радиоизотоплар технологияси яратилди ва уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистондаги даволаш муассасалари ушбу дори воситалари билан таъминланди ва уларни экспорт қилишга ҳам эришилди.

Дунёда биринчи бўлиб ген-нокаут технологияси ёрдамида пахтанинг бир қатор фойдали хусусиятларга эга бўлган ноуб тизим нави ("Порлок" серияси) яратилиши мамлакатимиз пахтачилигидаги энг йирик илмий ютуқ бўлди. Селекционер олимлар мамлакатимизнинг турли иклимига эга ҳудудларида ғўзанинг 20 та янги маҳаллий навини районлаштиришга эришди.

Ўттиздан ортиқ номдаги янги маҳаллий дори воситалари яратилди ва ишлаб чиқаришга таъбиқ этилди. Улар ҳозирги кунда ички эҳтиёж учун истеъмолга чиқарилмоқда, айримлари эса хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Мамлакатимизда янги даврнинг пойдевори бўлиши жуда кенг миқёсдаги янги сифат ва қудратга эга замонавий инновацион тизимларни яратиш жараёни давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари назарда тутган Учинчи ренессанс — мамлакатимизда илм-фан тарақиётининг, иқтисодиёт ва жамиятнинг, халққа хизмат қилиш ва одамларни рози қилишда эзгу ният билан амалга оширилаётган барча ютуқлар — юрдошларимиз ва ёшларнинг ақлу заковати, иқтидор ва истеъдод қувватининг ёрқин тантанаси бўлади.

Дил изҳори

Ислоҳот – фуқаролар соғлиғи учун

Анвар САГИРОВ,
Республика ихтисослашган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ўрганч филиали раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими

Сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар кўлами барча соҳаларни кенг қамраб олгани билан қадри. Буни, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимидаги кескин ўзгаришларда, соҳага берилаётган эътиборда кўришимиз мумкин. Ислохотлар инсон учун экан, аввало, уларнинг соғлиғини асраш, малакали тиббий хизматни йўлга қўйиш ниҳоятда муҳим.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишланган байрам нутқида тиббиёт соҳасига кенг тўхталиб, пандемия шароитида тизим оғир синовларга дош берганини алоҳида таъкидлади. Шифокорлар меҳнатига катта баҳо берди. "Энг юқори хорижий амалиёт ва ўзимизда тўпланган тажриба асосида даволаш усуллари такомиллаштирилиб боришмоқда", деди.

Бу ҳақда эътирофни энг чекка ҳудуддаги бизнинг филиал мисолида ҳам қўриш мумкин. Сўнги йилларда филиалимиз Украинанинг Амосов номидаги юрак-қон томир институти ҳамда Жанубий Корея пойтахти Сеулдаги Юнсей университети билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйди.

Юрак-қон томир хасталиклари бўйича жаҳонга машҳур бу тиббиёт дароҳларида тўпланган тажрибани ўзлаштириш орқали филиалимизда беморларни даволаш амалиёти жорий этилди, бу беморларнинг жаҳон андозасидаги муолажаларни олишларига имконият яратиб берди. Ваҳоланки, тўрт-беш йил олдин ҳам юрак-қон томир касаллиқларига чалинган беморлар чет элларга кетиб, қанчалаб валюта сарфлаб, даволашига мажбур эдилар.

Ислохотлар ишонч туйғуларимизни мустақамлади. Демак, яқин йилларда тиббиёт тизимида янада салмоқли ютуқлар қўлга киритишимизга, ҳеч шубҳа йўқ, Бунинг учун бизда зарур тиббий техника ҳам, малакали кадрлар ҳам бор.

"Халқни умрбод боқмоқчи бўлсанг – илмли қил"



Абдураззоқ МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг Навоий бўлими раиси, профессор, "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиби

Бугунги кунда дунёда икки мингдан ортиқ миллат ва элат мавжуд бўлса, мустақил давлатлар сони бор-йўли икки юзга яқин. Албатта, ҳар бир миллат ўз мамлакатининг мустақил, давлат тили, маданияти, герби ва байроғига эга бўлиши истаيدди. Бу мақсадлари амалга ошиши учун курашади.

Ўзбек халқининг мустақил давлатчилиги учун илм-фан нақадар аҳамиятли эканини кўрсатиб турибди. Ўтмишга назар солиқса, эрксевар ва тинчликпарвар ўзбек халқи асрлар

давомида озодлик йўлида жон фидо қилиб, жасорат намуналарини кўрсатганига гувоҳ бўламиз. Бу йўлда юрт озодлиги йўлида жонини фидо қилган буюк маърифатпарвар аждодимиз Махмудхўжа Бехбудийнинг "Агар бизнинг ҳаётимиз хуррият ва халқ бахту саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз!" деган сўзлари ватан озодлиги нақадар муқаддас эканини ҳис этишимизга туртки беради.

Давлатимиз раҳбарининг Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллик байрами муносабати билан йўллаган табриғидagi сўзлар ҳар бир юрдошимиз қалбини тўқинлантириб, гурур, ифтихор ҳамда юртнинг порлоқ келажагига ишонч туйғусини мустақамлайди.

Юртимизда барча соҳани ривожлантиришга илмга асосланган ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг фаол интеграциялашувини таъминлаш орқали эришиш мумкинлиги кун сайин ўз исботини топмоқда. Шу боис, давлат раҳбари илм-фан аҳлига катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, иқтисодиётимизни тараққий қилишга қаратилган ишланмаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратяпти. Зеро, буюк файласуф Конфуцийнинг "Халқни бир йил боқмоқчи бўлсанг — бугўдай эктир, ўн йил боқмоқчи бўлсанг — дарахт эктир, умрбод боқмоқчи бўлсанг — илмли қил" деган ҳикмати ҳам халқнинг фаровонлиги учун илм-фан нақадар аҳамиятли эканини кўрсатиб турибди.

Мақтаб таълимига қаратилган эътибор, жумладан, ўқитувчиларнинг

нуфузи ҳамда олийк маошини босқичма-босқич ошириш борасида саъй-ҳаракатлар алоҳида эътиборга молик. Зеро, буюк бобоми Махмудхўжа Бехбудий "Сизларга васият қиламан. Маориф йўлида ишлайдиган муаллимларнинг бошини силанглар! Ур-тадан ниқончи кўтарингиз! Туркiston болаларини илмсиз қўйманглар!" дея бундан юз йил олдин ўқитувчи-мураббийларнинг жамиятдаги ўрни нечоғлиқ юксак эканини ишора қилган.

Сўнги уч йилдан ортиқ вақт давомида юртимизда ўн йилликларга татиғулик ишлар амалга оширилганини бир илм кишиси сифатида таъкидлашни истардим. Олимлар, профессор-ўқитувчиларга кўрсатилётган эҳтиром, яратилаётган шарт-шароитлар таҳсинга сазовор. 2017 йили Президентимиз Навоий вилоятига ташриф буюриб, Фанлар академияси Навоий бўлимини ташкил этишга кўрсатма берди. Бу билан илм-фандаги ютуқларнинг нафақат ҳудуддаги, балки қўшни вилоятлардаги оддий халқнинг ҳам турмуш тарзига кириб боришига замин яратди. Янги инновацион технологияларнинг ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, фермер хўжаликлари, ҳатто чекка қишлоқлардаги одамларнинг томорқаларида самарадорликни оширишга хизмат қилиши учун тамал тошини қўйди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи ҳаётимизнинг барча жабҳасида амалга оширилиши зарур бўлган ишларни акс эттирувчи ўзига хос йўл харитасидир.



Йўллар замонавий андозалар асосида бунёд этиляпти

Ботиржон ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси раиси ўринбосари, шоир

Йўллар раволиги ҳам кўнглимизни равшан қилади, ҳам манзилимизга тез етиб борамиз. Тошкентнинг Фаргона йўли кўчаси энг гавжум, машиналар оқиши бир зум ҳам тинмайди ҳудудлардан бири, десам адашмайман. Камини ва йўлдан даярли ҳар кунни ўтаман.

Қанчалар муҳим ва тизиз бўлишига қарамай, сўнги ўн йилда бу кўча даярли каровисиз қолди. Ундан юрган ҳайдовчи борки, йўлим-чўқурлардан, албатта, ҳасрат қиларди. Ачирнарлиси, йўл-транспорт ҳодисалари ҳам тез-тез содир бўларди. Ёгингарчилик пайтларида бу кўчанинг ҳолига ҳам, ҳайдовчиларнинг аҳолига ҳам маймулар йиғларди. Ҳайдовчилар бирор "ўпқон"га тушиб кетмаслиги учун чўқур "териб" юрарди.

Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз пойтахтимизда бунёд этилган ва қурилиши давом этаётган қатор ишоотларни кўздан кечирди, йирик корхоналардан бирининг раъсий очилиш тадбирида иштирок этди. Мазкур янгиликлардан оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлгач, бунёдкорликларни ўз кўзимиз билан бориб кўриш иштиғи туғилди.

Фаргона йўли кўчасида қизгин қурилиш-таъмирлаш ишлари устидан чиқдик. Дастлаб йўл лойиҳаси билан қизиқдик.

Ўзини "Grand Road Tashkent" МЧЖ лойиҳа менежери Илёсбек Фадуров деб таништирган йиғит бизни очик чедра билан қурилиш штабига етаклади. Ёш мутахассис йиғит у ерда Фаргона йўли кўчасининг тўлиқ ва замонавий қурилиши акс этган макет ҳамда қурилиш лойиҳасини кўрсатиб, қизиқтаринг саволларимизга эринмай, батафсил жавоб берди.

Қурилишга жорий йилнинг 9 июнь кунини старт берилган, умумий узунлиги 6 километр 700 метрни ташкил этувчи ушбу йўл шу йилнинг ноябрь ойида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда. Менежернинг таъкидлашича, кўча қардош турк йўлсозлари билан ҳамкорликда қурилмоқда. Эътиборлиси, ҳали юртимизда сифат даражаси бўйича бундай кенг қўламли йўл лойиҳаси амалга оширилмаган экан. Масалан, йўлнинг икки четида махсус ёпиқ сув қочириб тизими, велосипедчилар учун алоҳида, пидеалар учун алоҳида йўлақлар ҳамда кўзи оқизлар учун Брайль алифбосини еслатувчи хос буртма йўлақча ва бошқа қўлайликлар кўзда тутилган.

Лойиҳанинг муҳим жиҳати — йўлнинг ҳар бир қатлами белгиланган талаблар бўйича битказилгач, масъул ходим уни лаборатория

текширувидан ўтказди. Агар бирор қатламнинг белгиланган мегапаскал даражаси паст бўлса, унинг кейинги қатлами ётқизилишига қатъий рухсат этилмайди. Лойиҳанинг мана шундай "темир" принципи бизни кўпроқ қувонтирди.

Кўчалар замонавий андозалар асосида бунёд этилиб, сифати, раволиги, кенглиги, хавфсизлиги қай даражада муҳим бўлса, ёритиш тизими ҳам шунчалик аҳамиятли. Йўл четига сўнги ўрфдаги симёғочлар ўрнатилиб, замонавий чироқлар билан безатилади. Улар шом кириши билан автоматик тарзда ёнади ва тонг отгач, ўзи ўчади. Бизни хайратга солган яна бир инновация — мазкур чироқлар кечаси соат 00:00 дан кейин йўлда қатнов камайгач, автоматик тарзда ёрғулик даражасини 30 фоиз камайтиради. Бу эса электр энергиясининг сезиларли тежаллашига хизмат қилади...

Тошкент азиямда давом этаётган қурилиш ишлари ҳақида, ўзгаришлар хусусида узоқ гапириб шиким. Бу ишоотларнинг ҳар бири янги Ўзбекистонимизнинг замонавий қиёфасини қизиб беради, эртанги кунининг бугундига ҳам ёрғу бўлишига ишонтаради. Муҳими, шу фусункор йўллардан Ватанимизнинг, буюк миллатимизнинг янги тамаддуни, янги Уйғониш даври сари дадил одимлаб бораверамиз!



Замонамиз қаҳрамони

ХАТАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

**Нажмиддин ИКРОМИЙ,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси аъзоси**

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 23 июлдаги “Коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидоийлик кўрсатган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида кўра, мукофотланганлар орасида андижонлик тиббиёт ходимларининг ҳам борлиги вилоят аҳлини бениҳоя қувонтирди.

Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлими ҳамшираси Файзилатхон Мирзаевага II даражали “Саломатлик” ордени берилди.

Коронавируснинг шиддатли ҳужуми ўзбек шифокорларини эсанкиратиб қўймади. Кечагина бошқа давлатларда кечаётган вазиятларни оммавий ахборот воситалари ва интернет орқали кузатаётган халқимиз унинг Ватанимизга таҳдидли “ташрифи”ни, тўғриси, кутмаган эди. “Бошга тушгани кўз кўради”, деганлари бор гап. Тиббиёт ходимлари эса бизга эҳтиёт бўлишни тавсия этгани ҳолда, ўзлари “душман” билан жангга киришди.

“Ёрдам беринглар, жон болаларим...”

...Избосканнинг Тўрткўл қишлоғида туғилиб ўсган Файзилатхон Мирзаева Андижон тиббиёт коллежини битириб, туман марказий шифохонасида иш бошлаган, кейинчалик юқумли касалликлар бўйича фаолият юритганида, бир кун келиб, коронавирус деган ёв билан юзма-юз курашаман, деб ўйлабди, дейсизми? Тўғри, ўз фаолияти мобайнида бир неча турдаги юқумли хасталикларга чалинган беморлар дардида малҳам бўла олди. Лекин бу сафар... Файзилатхон билан телефон орқали қилган суҳбатимиздан бир шингил:

— Биринчи бемор билан юзма-юз келганда қўрқув бўлгандир?

— Очиги, қўрқмадим, иккиланмадим. Чунки бу менинг вазифам, бурчим. Аммо биринчи жангга кирган аскардек бир ош қарахтлик бор эди. Менимча, ҳаммада шундай бўлди. Ахир, ўзимиз билмаган, танимаган касаллик билан илк бор юзма-юз бўлаётган эдик-да. Хайрият, хавотиримиз узоққа чўзилмади ва биз руҳан тетик ҳолда ишни давом эттирдик... Коронавирусга чалинган биринчи бемор жуда тушқун аҳволда эди... Инжиқ, гап тушунтириб бўлмади... Шундай ҳолатда унинг дардида малҳам бўлиш нақадар мушкул кечини тасаввур қилинг... Абу Али ибн Синонинг “Биз уч томонлиқ: бемор, мен (табиб) ва касаллик. Бемор қайси томонда бўлса, уша ютади”, деганлари ёдимга тушди. Барча дори-дармонлар, шароитлар етарли бўлса-ю, кўлимиздан ҳеч нарса келмас... Негаки, беморни биз томонга ўтказиш анча қийин бўлди-да... Аста-секин ҳаммаси изга тушиб кетди. Тезликда тузалаётганларни кўрсатиб, бошқа беморларда ҳам ишонч уйғотишга уриндик. Соғайишга умид қилганлар тезда оёққа турди. Тўғри, бу ерда иммунитет ҳам асосий ўрин тутди. Лекин кишида яшашга, тузалишга умид бўлса, жараён осонроқ кечаркан...

Биласиз, реанимация бўлимида оғир беморлар даволанади. Ҳозир ҳам кўз олдимда турибди. Кекса бир бемор аёл нафаси қисиб, ҳаво етмаганидан “Ёрдам беринглар, жон болаларим”, дея зорланарди. Аёл кислородли ҳаво аппаратида уланган эди...

— Тузалиб кетдими?
— Афсуски, кўз ўнгимизда жон берди. Унинг сўнги сўзлари шу бўлди: “Болаларимни кўришим керак. Бир кўрай, руҳсат беринглар...”
— Унинг илтимосини бажара олдингларми?
— Йўқ, Чунки бу мумкин эмасди, қатъий ман қилинган эди...

“Ярим кечадаям ордени беришарканми?..”

23 июль куни тунги соат 24 атрофида касалхона фойеи бирданга тўс-туполон бўлиб кетди. Шу пайт бирдан хона эшиги очилди-да, фаррош қиз Ферузаннинг боши кўринди.

— Файзилат опа, сизга ордени беришибди...
Бу хушxabар ҳозиргина шовкинга тўлган хонани бирданга сукунатга чўмдирди. Тўрт аёл бараварига уни саволага тутди:
— Қанақа ордени, кимга, нега?
— Файзилат опага, дедим-ку...
Энди барчаннинг нигоҳи Файзилатга қаратилди. Бу сафар уч кизнинг қийқириги хонани тутди.
— Вуй, ўртоқ, табриклаймиз...
Файзилатхоннинг эса тилида биргина калима айланарди:
— Нега, нима учун?..
Ҳамхоналаридан Соҳиба Мамарасуллова уни кучоқларкан, деди:
— Нега бўларди, яхши ишлаганингизга-да, опа! Ордени соҳибасининг эса вужуди титрарди. Бу, албатта, қувончдан бўлса керак!
— Вой, ярим кечадаям ордени беришарканми? Ҳамма қақшахат олди.
— Ҳа, беришаркан, устоз, беришаркан, — деди шогирди Шаҳноза Эркабоева. — Чин дилдан табриклайман. Муборак бўлсин!
Бошқалар ҳам бирин-кетин қутлаётган лаҳзаларда Файзилатхоннинг бутун умри гуё кино тасмасидагидек кўз ўнгидан ўтди.



Орден хабарини эшитганимдан сўнг вужудим титраганича туриб қолдим. Ҳамкасбларим: “Меҳнатингизни билишибди, жуда тўғри берилибди, ўзимиз олгандек хурсандмиз”, дейишди. Тўғриси, ҳеч ким сохта ўрнумада улардан бирортаси бўлиб қолганида, мен ҳам шундай ҳолис ва самимий қутлаган бўлардим...

...У зиёли оила фарзанди. Дадаси Неъматхон ака агроном, онаси Улфатхон яса ҳисобчи эди. Улар ҳамма фарзандларини ҳалол меҳнат, пешона тери билан улайтирди. Файзилат етти фарзанднинг бешинчиси. Мактабни олтин медалга битирди.

У журналист бўлишни жуда-жуда озу қиларди. Туман газетасига мақолалар ҳам эзиб турди. Лекин тақдир экан, ҳамшира бўлди. Унинг ўрнида бошқа кимдир журналистлар билан суҳбатлашганида, “Болаларимдан ҳамшира бўлишни, опоқ халат кийиб юришни озу қилардим”, дейиши ҳам мумкин эди. Йўқ, у ундай демади. Ҳамшираликка кейин меҳр қўйганини айтди. Ҳозир эса беморлар дардида малҳам бўладиган касбни эгаллаганидан мамнунигини билдирди. Мана, қарийб 35 йилдан буён касбини эъзозлаб келади...

“Орзу қилар эдим...”

Келинг, яна телефондаги суҳбатга қайтаемиз.
— Ушанда нималарни ҳис қилдингиз? Ахир, яқиндагина айнан тиббиёт аҳли учун таъсис этилган “Саломатлик” ордени ҳазилакам мукофот эмас...

— Орден хабарини эшитганимдан сўнг вужудим титраганича туриб қолдим. Ҳамкасбларим: “Меҳнатингизни билишибди, жуда тўғри берилибди, ўзимиз олгандек хурсандмиз”, дейишди. Тўғриси, ҳеч ким сохта ўрнумада улардан бирортаси бўлиб қолганида, мен ҳам шундай ҳолис ва самимий қутлаган бўлардим...
— Йўқ, йўқ, йўқ! Бунгада қувонч кўз ёшлари қўйлиб келади, дейишди-ку?
— Йўқ, йўқ, йўқ! Факат “нега, қайси ишларим учун”, деган ўйлар ўтди. Ҳолос. Биласизми, қачон йўғладим? Уша “болаларимни бир кўрай”, деб зорланган аёлни сақлаб қололмаган кунимиз, кўз ўнгимизда омонатини топширганида ташқарига чиқиб энтикиб-энтикиб йўғладим...

Ҳозир жуда бахтлиман. Меҳнатларим инобатга олиниб, орденига муносиб қўрилганидан хурсандман. Бунгақа мукофотларни кўпчилик қутилмаган, дейди. Лекин, биласизми, мен мукофот олиш даражасида ишлаш, халқ ишончини оқлашни орзу қилар эдим. Орзумга ўтди.

“Ҳалол меҳнатда роҳат бўлади...”

Қаҳрамонимиз ўзига тарбия берган инсон, буюси Комилахон аяни кўп эслайди. Унинг қуйидаги сўзларини ҳеч қачон унутмайди. Ҳаёти, фаолиятининг шиори сифатида биледи:

— Болам, тўғрилиқда, ҳалол меҳнатда роҳат бўлади...

Бу жумлани балки юз, минг марта эшитган ва ўзи ҳам шу кунгача кўп такрорлагандир. Тақдирлангани хабарини эшитган, буюсининг гапи нақадар тўғри эканини яна бир бор ҳис этди. Унга амал қилиб, кам бўлмаганининг ўзи катта муқофот эмасми?

...Уша туннинг эртасига отаси Неъматхон акага кўнгирак қилди.

— Бутун қишлоқ аҳли эрталабдан бери мени табриклайпти, — деди ота овозлари титраб. — Файзилатхонга ордени берилибди, деса, ишонмабман. Кутлуг бўлсин! Раҳмат, қизим, кам бўлмагин...

Гушақа овоз тинди. Чамаси, ота кўзларидан қувонч ёшларини артди. Бир оздан сўнг эса бундай деди:

— Сенга берган тарбияларим бесамар кетмабди. Мана, сен оиламизда биринчи бўлиб ордени олдинг. Энди бунинг масъулияти, юки ҳам бўлади. Шунини унутма...

“Неварамни қўлга олиб, эркалаганим йўқ...”

(Телефондаги суҳбатдан)

— Менга юборган суратингиздаги комбинезонда қийналмадингизми? Радиактив ҳолатларда қийналган либосга ўхшаркан... У нафас томчилари туғул, ҳавони ҳам ўтказмас керак...

— Карантиннинг боши баҳор ойларига тўғри келгани, ҳаво мўътадил бўлгани учун билинмаган эди. Кейинги навбатимиз ёзда, саратоннинг чилласида келди. Тўғриси, қийналдик, гоҳ кўзойнагимиз терлаб қолар, гоҳ комбинезон ҳаво ўтказмасди. Қийналганимиз, нафасимиз қисилгани бор гап. Ҳаво ўтмаганидан баданларимизга нималардир тошиб кетарди. Лекин ҳеч ким иш жойини ташлаб кетмади. Ҳамма тиббиётчилар — шифокорлар, ҳамширалару фаррошлар сидқидилдан, фидоийлик билан ишлади... Мен ҳеч кимнинг тушқунликка тушганини сезмадим. Қўрққанлар ҳам бўлмади.

— Сизда ёки ҳамкасбларингизда касаллик юқмадимикан, деган ҳадик бўлгандир?..

— Тўғриси, иш жараёнида бунга ўйлашга фурсатимиз йўқ эди. Лекин навбатимиз туғайи арасида текширувга тахлиллар топширганимизда, шундай хавотирлар бўларди. Доимо шахсий гигиенага амал қилишга уриндик. Уйга борганимиздан сўнг ҳам ҳеч ким билан мулоқот қилмаслик, айниқса, кекса ва ёш болалар билан кўришмаслик, яқин ўтирмаслик ўқтирилган.

Шу ўринда айтишни истар эдимки, ордени берилганининг эртасига ўғил набирали бўлганимни эшитдим. Бу бир сутка давомидаги иккинчи хушxabар эди. Унга Муҳаммадаюб деб исм қўйишибди. Уйга 3 август куни қайтган бўлсам, ҳали уни қўлга олиб эркалаганим йўқ. Катта набирам Озодабегим 4 ёшга тўлди. У олдимга қираман, деб йўғлаганида, юракларим эзилиб кетади...

Сўнгсўз ўрнида...

Биз ушбуларни битаётган пайтда қаҳрамонимиз ўзини яққалаш тартибиде ҳаёт кечирётганига гувоҳ бўлдик. Тасаввур қилинг-а: кекса отаси зибарига боролмаса, фарзандлари, невараларини бағрига босолмаса, ўзининг яқинлари билан хотиржам суҳбатлаша олмас...

У сизни, бизни деб шунга рози бўлди. Тождор вирус билан юзма-юз олишиб, керак бўлса, жон бергудек, баъзан жон олгудек курашган, уйга қайтганда эса шундай яққаланиш тарзини ўзига раво кўрган инсонга тасаннолар айтсақ, арзимайдими? Сиз ўзингизга раво кўрмасиз, лекин Файзилатхонга ўхшаган тиббиёт ходимлари қўлида шифо топган кишилар соғайиб кетган, уларнинг пойига тиз ҳам чўқди.

— Кечагина ўлим билан олишиб, ҳаётга қайтган бир бемор шундай қилди. Ишонасизми, ҳар бир шифокор, ҳамшира ва кичик тиббиёт ходимларига таъзим бажо этди. Кўзларимизга ёш келди! У эса нуқул йилгарди, — деди Файзилатхон.

Президентимиз фармони билан мукофотланган ҳар бир шифокор, ҳамшира, ҳатто уларнинг тақдирланмаганлари ҳам аслида халқ эътирофи билан мукофотландилар. Файзилатхон Мирзаева қатори Андижон вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг 7-бўлими шифокори Одилжон Аҳмедов, инфекциялист шифокор Ғофиржон Ибрагимов, бош шифокор ўринбосари Шукрилла Солижонов, ҳамшира Мавлудохон Холматов ва ҳам турли даражадаги давлат мукофотларига сазовор бўлдилар. Уларнинг ҳар бири ҳақида хикоя, лаҳза, очерклар яратсақ, арзийди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишланган нутқидан ўрин олган қуйидаги жумлалар тилимда тақдор ва тақдор айланари: “Барчангизга яхши маълул, дунёда икки соҳа вакиллари ўз касбига садоқат борасида қасамёд қабул қилади: булар — Ватан ҳимоячилари бўлган ҳарбийлар ва инсон саломатлигига масъул шифокорлар. Бунинг беҳиж эмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Муқаддас қасамедига содиқ бўлган шифокорларимиз ҳозирги мурраккаб вазиятда, керак бўлса, азиз жонларини фидо қилиб, қаҳрамонларча меҳнат қилмоқдалар”. Дарҳақиқат, Файзилатхон ва унинг ҳамкасблари ҳали ҳеч ким танимаган, билмаган “ёв” билан ҳамон олишмоқда. Биз учун, халқимиз учун! Келинг, уларни олқишлаш асосида барчасига Аллоҳ таолодан соғлиқ, зафарлар тилайлик!

Ислоҳот

Усмонали НОРМАТОВ

Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси шифокори Холиқберди Қайитов Термиз туманидаги “Мангузар” маҳалласида яшайди. Қачон у кишини йўқлаб борсам, уйдагилар: “Утириб туринг, ҳозир келиб қолади”, дейди. Анча вақтдан кейин врач ахли гилдиракли аравасида сув тўла бидонни ортиб кириб келади. Олтимиш беш ёшли врач акамиз шу йил эрта баҳорда қувончли гапни айтиб қолди.

Чекка қишлоқларга обиҳаёт келди

— Ниҳоят ўттиз йилдан кейин бизнинг ҳам орамиз ушадди. Қўчмачининг четидан ичимлик сув қувурини ўтказиб кетишди, барака топғурлар. Кичкина пластмасса қувур орқали хонадонимизга тортиб олдик. Энди бир километр олдидан сув ташиб келишдан қутулдим. Уйимиздан унча олис бўлмаган жойда Термиз шаҳрини сув билан таъминлаш ишоси бўлса-да, ўттиз йил сувни ташиб ичимиз-а.

Маълул бўлишча, шу йилнинг бошида “Мангузар” маҳалласида вилоят ҳокими ва Термиз тумани ҳокими халқ билан учрашув ўтказган, шунда фахрий бир онахон раҳбарларга қишлоққа сув кераклиги масаласини очик-ойдин айтган. Мулоқотдан кейин кўп вақт ўтмай, Мангузар қишлоғидаги аҳоли хонадонларига ичимлик сув ўтказилган.

Бойсунда туман марказидан анча олисда Мачай деган қишлоқ бор. Тоғли қишлоқлар аҳолисининг айтишича, маҳаллий бюджетдан бир миллиард 150 миллион сўм ажратилиб, Олчабўлак бўлоғидан 14,5 километр масофага қувур тортилиб, “Урта Мачай” ва “Юқори Мачай” маҳаллаларида яшовчи 2,5 минг киши ичимлик сув билан таъминлангани.

Кўмқўрғон туманидаги 10 та маҳаллада яшовчи 31,2 минг нафар аҳоли “Сурхон соҳили” маҳалласида жойлашган марказий сув иншоотидан ичимлик сув ичади. Бу иншоот 6,5 миллиард сўм хисобига қайта таъмирланди ҳамда қўшимча 5 та маҳалла аҳолиси ичимлик сувга ёлди.

— Кўмқўрғон тумани “Чаёнтепа” маҳалласидаги 769 хонадонда 4 112 аҳоли истиқомат қилади, — дейди вилоят уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси матбуот котиби Азиз Машрабов. — 2019 йилгача бор-йўғи аҳолининг 23 фоизи ичимлик сув билан таъминланганди. Қолганлар канал, ариқ, дарё ва махсус техникада ташкирланган сувни ичишга мажбур эди. Утган йил 708 миллион сўм эвазига артезиан қудуғи қазиб, сув минораси ўрнатилиб ва икки километр масофага қувур ётқизишли натижасида қарийб минг киши ичимлик сувдан баҳраманд бўла бошладилар. Эндиликда Вазирилар Маҳкамасининг “2019-2022 йилларда Кўмқўрғон туманини комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, “Қорсақли” маҳалласидаги “Бўйрачи” сув иншооти

Бундан ташқари, Президентимизнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларга салбий таъсирини юмшатиш бўйича навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги фармонида асосан ташкил қилинган Инқирозга қарши курашиш жамағатининг 18,4 миллиард сўм маблағи хисобига бу йил Ангор туманидаги Янги Қайрон ва Денов туманидаги Денов, Олтинсой туманидаги Жобу, Жобу-1, Мўминкул, МСГ, Қорлиқ, Бандихон туманидаги Хўжайпоқ, Ургулсой аҳоли пунктларидаги 6 та объектни янгидан қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Пандемия сабаб бугунгача белгиланган 28,6 километр ўрнига 10,1 километр масофага ичимлик сув тармоқлари тортилди. Режалаштирилган ишлар тўлиқ амалга ошса, йил охиригача яна 100 минг аҳолининг сув таъминоти яхшилиниб, худудларни обиҳаёт билан таъминланганлик даражаси 56,8 фоиздан 60,6 фоизга етади.

Воҳада аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшилаш бўйича бажарилаётган ижобий ишлар билан бирга ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам йўқ эмас. Мавжуд 1095 та сув иншоотидан 350 таси, 7,4 минг километр узунликдаги ичимлик сув тармоғидан 4,4 минг километри таъмирталган. Ички имкониятлардан фойдаланиш хисобига бу муаммоларни ҳал қилиш чораси қўрилмоқда. Хусусан, йилнинг ўтган вақтида Узун, Сарийосе, Денов туманларининг ичимлик сув танқис бўлган 41 та маҳалласида 45 та сув қудуғини янгидан қазиб ва мавжудларини реконструкция қилиш хисобига 18 минг аҳоли ичимлик сув билан таъминлашга эришилди. Воҳадаги собиқ жамоа ва ширкат хўжаликлари тугатилгандан сўнг 306 та маҳалла ҳудудиде яроқсиз холга келиб қолган 456 та қудуқдан фойдаланилмапти. Уларни босқичма-босқич реконструкция қилиш ва ишга тушириш бўлади. Фақат маблағ ажратилиш ҳос. Агар бу қудуқлар ҳам фойдаланиладиган ҳолатга келтирилса, вилоятдаги яна 182 минг аҳолининг ичимлик сувга бўлган талаби қондирилади.

Аёнки, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида ҳукумат ва ҳомий ташкилотлар кўп маблағ ажратаяпти ҳамда ишчи кучи, техника сафарбар этилмоқда. Аҳоли орасида



ҳамда тармоқларини реконструкция қилиш режалаштирилган. 4,7 миллиард сўм маблағга битадиган бу иш якунида “Чаёнтепа” маҳалласи аҳолиси ичимлик сув муаммосидан қутулади. Шунда аҳолининг ичимлик сув билан таъминлаш ҳолати 80 фоизга етади.

Халқнинг давлатимиз раҳбарига ичимлик сув билан таъминлаш тўғрисидаги мурожаатидан сўнг берилган топшириққа қўра, биргина Бойсун туманига Хўжамайхона бўлоғидан 37 километрик магистрал тармоқ тортилди. Қизирқий туманида 11 та сув иншооти қурилди ва реконструкция қилинди.

Дарвоқе, бугун аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ҳаётий масалалардан бири. Президентимиз қаторий йил 17 июлда худудларда ичимлик сув ва канализация тизимини яхшилаш, қуз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йилгилишда жойлардаги ҳолатга танқидий баҳо берди. Ҳўш, Сурхондарё вилоятда аҳоли ва халқ хўжалик тармоқларини ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан қандай ишлар бажарилапти?

Вилоят уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси маъмулотларига қўра, бугунги кунда вилоят шаҳару қишлоқларида яшаётган 2,6 миллион аҳолининг 1,5 миллион нафари ёки 56,8 фоизи марказлашган ичимлик сувдан фойдаланмоқда.

Инвестиция, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида вилоят ҳудудиде ўтган йили жами 125,3 миллиард сўм хисобига 73 та объектда 287,67 километр ичимлик сув тармоқлари ишга туширилган. Оқибатда 80 минг нафардан ортик аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжи қондирилиб, хонадонларни сув билан таъминлаш даражаси 54,5 фоиздан 56,8 фоизга етказилди.

Жорий йилда ҳам бу ишлар давом эттирилмоқда. Инвестиция дастури бўйича 83,06 миллиард сўм эвазига 44 та иншоотда 473,3 километр масофада ичимлик ҳамда оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш чоралари белгиланган. Амалдаги йилнинг 1 август ҳолатида 42,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, 263,2 километрга сув тармоқлари тортилди. Маблағ ажратилиши билан йил охиригача режалаштирилган ишлар тўлиқ ниҳоясига етказилди.

обиҳаётнинг ҳар қатрасини тежаш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли тушунтиришлар беҳуда кетмапти. Одамлар минг бир машаққат билан етказиб берилаётган сувни тежаш учун хонадонларидаги тармоқларга сув ўлчагичлар ўрнатмоқда. Бугунгача 80 674 та хонадонга сув ўлчагич жиҳозлари ўрнатилди. Йил охиригача яна сув тармоқларига 10 300 та сув ўлчагич ўрнатилиш чоралари кўрилмоқда. Гидроиншоотларда ҳам сув ўлчагичлар қўйиш учун ишлар бошланган.

Узун, Сарийосе, Денов, Шўрчи, Жарқўрғон, Ангор, Қизирқий, Бойсун, Олтинсой, Кўмқўрғон, Шеробод, Музработ ва Термиз туманларининг ичимлик ҳамда оқова сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича халқаро молия институтларининг 160 миллион АҚШ доллари микдоридеги маблағини жалб этиш орқали амалга ошириш белгиланган 4 та истиқболли лойиҳани жадаллаштириш зарур. Мазкур лойиҳаларни 2021 йилда бошлаш учун техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишга талаб этиладиган маблағнинг қолган қисми Молия вазирлиги томонидан (бугунгача 15 фоиз молиялаштирилган) лойиҳа корхонасига берилса, ишлар жадаллашиб кетади ва Сурхондарё вилояти аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашни 90-95 фоизга етказиш имконияти туғилади.

— Бугун вилоятдаги 721 та маҳалланинг 117 тасида аҳоли, умуман, ичимлик сув билан таъминланмаган, — дейди “Сурхондарё сув таъминоти” МЧЖ директори Панжи Усанов. — Президентимиз топшириғига асосан, ичимлик сув таъминоти оғир бўлган худудлар аҳолисини обиҳаётни махсус техникалар орқали етказиб беришни ташкил қилиш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Сурхондарёга 10 та сув ташкил махсус техникаси билан хизмат кўрсатмоқда. Бу техника “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ балансида бўлиб, зарур пайтда улардан фойдаланиб бўлмапти. Шу боси, ўша техника “Сурхондарё сув таъминоти” МЧЖ балансида ўтказилса, аҳолини сув билан таъминлаш сифати янада яхшиланарди.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, бугун вилоятда аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар яқин вақт ичиде ўз самарасини беради, муаммолар бутунлай ижобий ҳал этилади.

Келажак бунёдкорлари



Фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



ЯНГИ АВЛОД УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

Шаҳна ЖҲҲАЕВА.
Австрия пойтахти Венадан “Янги Ўзбекистон” учун махсус.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Давлатимиз раҳбарининг илм-фан аҳли ва келажакимиз бўлган ёшлар фаолияти хусусидаги фикрлари нафақат мамлакатимиздаги, балки хоризда таҳсил олаётган, илмий изланиш олиб бораётган, йирик корхона ва ташкилотларда ишлаб тажриба орттириётган юртимиз ёшларининг қалбида ҳам шу юртга дахлдорлик туйғусини жўш урдирди. Бугун жаҳоннинг нуфузли таълим муассасаларида таҳсил олаётган, турли халқаро ташкилотларда фаолият юритаётган ватандошларимиз, ёшларимиз кўпчиликини ташкил этади. Улар юртдан олисда бўлишига қарамай, Ўзбекистонда юз бераётган ҳар бир воқеа-ҳодисадан, янгиланиш ва ислохотлардан мунтазам бохабар бўлиб бораётгани қувонарли ҳол. Венадаги муҳбиримиз хоризда истиқомат қилаётган ана шундай фаол ёшларимиз билан суҳбатда бўлди.

“Ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлсам дейман”



**Миразиз УСМОНОВ,
Вена давлат
университети талабаси:**

— Омадани келиб, жаҳоннинг энг етакчи олий таълим даргоҳларидан бирига ўқишга кирдим. Бегона юртда, бутунлай нотаниш муҳитда, яқинларингиздан олисда яшаш осон эмас экан. Шундай бўлса-да, бир нарса менга куч бағишлайди: ўқиниши яхши натижалар билан тамомлаб, Ватанимга қайтиб, ўрганганларимни ҳаётга татбиқ этиш, юртим ривожига ҳисса қўиши. Ўзбекистонимиздаги янгиланишлар ҳақида эшитганимда тезроқ Ватанга қайтишим, шу ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлангим

келади. Тўғриси айтсам, Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини интернетда қизиқиш билан кузатдим. Давлатимиз раҳбарининг “Фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади”, деган гаплари мени жуда тўлқинлантириб юборди. Одамларимиз қалбида ёруғ келажакка ишонч ҳисси, давлат ва халқ ўртасидаги кўпчи тобора муस्ताҳкамланиб бораётганидан хурсанд бўламан. Айниқса, қийин кунларда бир-бирига қумаклашаётган, ёрдамга муҳтож одамларни астойдил, беиниҳа қўллашга ҳаракат қилаётган юрдошларимиз ҳақида эшитсам, ЎЗБЕК эканимдан фахрланаман! Мен ўқийдиган университетда юрдошларимиз кўп. Ҳаммамиз бир-биримизга ҳамжўр, ахилдиз. Бошқа юртлардан келган курсдошларимиз бизга

ниҳоятда ҳавас қилади. Бирортамизнинг тобимиз қочиб қолгудек бўлса, ҳаммамиз қайғураемиз, бемор оёққа турмагунча кўнглимиз тинчмайди. Катта курсдагилар эса бизга ўқиш борасида йўл-йўриқ кўрсатиб, тажрибаларини илинади. Миллий байрамларимиз кунини йиғилишиб палов дамлаймиз, Наврўзда ўзбек қизларимиз кўк сомсалар пилиради. Пандемия сабаб бу йил таътилда Ўзбекистонга бора олмадим. Ростки, жуда соғиняпман... Ҳар гал борганимда кўзим ўрганган кўчаларимизни танишишни бўларди, янгидан-янги замонавий биноларни кўриб, баҳри дилим очиларди. Фақат Тошкент шаҳрида эмас, барча вилоятларда, чекка туманларда ҳам қурилиш ишлари жадал кетяпти. Тез орада мамлакатимизнинг барча нуқтасида жаҳоннинг ривожланган давлатларидагидек қулай шарт-шароитлар яратилади. Муҳими, шуларнинг ҳаммаси халқ учун, мен учун, mening оилам учун! Насиб этса, диплом олиб, сиёсатшунос бўлган, она Ватанимга ёруғ юз билан қайтаман. Етук мутахассис сифатида нималарга қодирлигимни кўрсатаман!



**Баҳодир ЭРГАШЕВ,
Атом энергияси
халқаро агентлиги
(МАГАТЭ) ходими:**

— Анча йилдан буён Австрияда яшайман. Аввал ўқини тамомладим, сўнг ишга қабул қилиндим. Бу ерда доим иш билан бандман, зериктишга вақт йўқ. Лекин шунда ҳам Ватаним эсимга тушиб кетса, хомуш тортиб қоламан. Одам барибир оиласини, туғилиб ўсган маҳалласини, дўстларини, Ватанининг ҳидини кўрсаркан, соғинаркан. Бу ердаги дўстларим, ҳамкасбларимга Ўзбекистон ҳақида, урф-одатларимиз, миллий таомларимиз хусусида кўп гапириб бераман. Юртимизнинг бой тарихи, ўчмас из қолдирган буюк боболаримиз ҳақида айтаман. Мен билан суҳбатлашганларда Ўзбекистонга бориш истаги туғилади доим.

Одатда кунни Ўзбекистон ҳаётига дахлдор янгиланишларни ўқиш билан бошлаймиз. Юртим нафасини ҳис қилгандек бўламан шунда. Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимизда метронинг Юнусобод йўналишида янги икки бекат ва ер усти метросининг Қўйлик бозорига бўлган қисми ишга тушганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Мамлакатимизда, ҳақиқатан ҳам, оламшумул ўзгаришлар бўляпти. Ишончим комилки, яқин йилларда Ўзбекистонда рўй бераётган ислохотлар ўзининг юксак самарасини беради. Хуллас, бугун бутунлай Янги Ўзбекистон ҳақида ўқияман, эшитяман. Халқимиз учун яратилаётган имкониятлар, шароитлар инсонпарварлик сиёсатининг маҳсули. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонимиз бугун бутун жаҳон тан олган, жадал ривожланиб бораётган кучли давлатга айланди. Бунинг амалий исботини Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросидаги нутқидаги “Ҳозирги пайтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан ва инновация йўтуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз. Шунинг учун ҳам ушбу стратегик вазифа бизнинг фаолиятимизда устувор йўналишга айланди”, деб айтган фикрларида яққол кўриш мумкин.

**Мадина ҲАЙДАРОВА,
Вена давлат
университети талабаси:**

— Австрияга келганимга икки ярим йил бўлди. Шу вақт ичида Ўзбекистонга икки марта бориб келдим ва ҳар борганимда пойтахтимиз Тошкентнинг гўзаллигидан ҳайратга тушдим! Осмон-ўлар бинолар, кўп қаватли янги уйлар, мактаблар, капитал таъмирдан чиқарилган бозорларни кўриб, кузларингга ишонмайсан киши. Тўғриси, шу қадар қисқа вақтда бунчалар кўп ўзгаришлар рўй бераётганидан жуда таъсирланаман. Венадаги университет ётоқхонасида турли давлатлардан келган мен каби минглаб талабалар бор. Улар билан биз ўзимиз туғилган мамлакат, анъаналаримиз ҳақида мириқиб гурунглашамиз, ҳар кун турли миллат таомларидан татиб кўраемиз. Кўп миллатли тенгдошлар билан бирга яшашнинг яхши жиҳати шундаки, улар билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўзга миллатлар ҳаёти, турмуш шароити, миллий ўзига хослигини ўрганасиз. Наврўз байрамида ўзбек талабалари билан бирга, атласу адрасларимизни кийиб, дўстларимизни меҳмон қилгандик. Шу кунни япониялик дугонам кўйлагимни ёқтириб қолдик. Атласнинг ҳар бир нақши, рангининг маъносини, бу матонинг тарихи билан жуда қизиқдик. Ўзбекистонга борганимда дугонам учун миллий либосларимиздан олиб

келдим. Насиб қилса, албатта, Ўзбекистонга боришини, мен доим мактайдиган Самарқанд, Бухоро, Хивани ўз кўзи билан кўришини айтиб, ўзида йўқ хурсанд бўлди. Таҳсил олаётган ихтисослигимиз туфайли жаҳон янгиланишларидан, турли давлатлардаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий жараёнлардан доимий хабардор бўлиб бораемиз. Юртимиздаги янгиланишларни эса кеча-ю кундуз кузатаман. Кунни кеча www.yuz.uz сайтига кириб, Президентимизнинг мустақиллик байрами муносабати билан сўзлаган табрик нутқини ўқиб кўйдим. Қисқа вақт ичида юз берган ўзгаришлардан бохабар бўлиб, шу юртинг фарзанди эканлигимдан фахрланиб кетдим. Яқинда бизга ҳар бир талаба ўзи туғилиб ўсган юртда пандемия муносабати билан олиб борилаётган ишлар, макур оғир шароитнинг келажакда турли соҳаларга етказадиган салбий таъсирини қамайтириш борасида тузилган режалар ҳақида тақдирот тайёрлаш бўйича вазифа берилади. Шунда мен яна бир ватандошим билан бирга Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида тузиб чиқилган илмий сиёсий-иқтисодий таъминлар, пандемия вақтида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, эҳтиёткорлик оилаларга давлат қолаверса, савобталаб юрдошларимиз ташаббуси билан кўрсатилган гамжўрликлар ҳақида слайдлар тайёрладик. Биргина “Саховат ва кумак” умумхалқ ҳаракати карантин вақтида моддий қумакка муҳтож қанчадан-қанча оилаларга беминнат ёрдам берганимизни ўзи курсдошларимиз ва ўқитувчимизда катта таассурот қолдирди. Ўқитувчимиз ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиб, амалга татбиқ этилган иқтисодий-ижтимоий қора-тадбирларни эътиборга олди. Шу кунни дарсда энг юқори баллини биз олдик. Ана шундай пайтларда Ўзбекистон фарзанди эканимдан, бир майини кирқ бўлиб ейдиган меҳридарё халқим борлигидан гурур хиссини туйаман!

Ватан ёшлардан буюк ишларни кутмоқда



**Эшмухаммад ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик
университети профессори
вазифасини бажарувчи,
юридик фанлар доктори**

Ёшлар сиёсати — бу давлатнинг демократик тараққиёт йўлидан ривожланишида ёшларни муҳим стратегик куч сифатида тан олиш ҳамда ўзининг ёшларга нисбатан бошқарув ва ижтимоий функцияларини демократик сиёсий тизим, халқаро ёхуд миллий ҳуқуқ меъёрлари талаби даражасида тўлиқ бажаришидир. Давлат бу борада ўз вазифасини бажараётганини амалга оширишда туб ислохотлар ҳам исботламоқда. Давлатимиз раҳбари ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ имзолаган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун, мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини ўзида муҳассам этган Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистонда 30 июнь санасининг қонун билан “Ёшлар кунини” деб эълон қилингани,

“Ёшлар — келажакимиз” давлат дастури, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган беш ташаббус ҳамда “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси ёшларга оид давлат сиёсатида муҳим ҳуқуқий асос сифатида ўз натижасини бермоқда. Жумладан, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида, Ватан ҳимоясидек шарафли вазифани адо этишда миллионлаб ёшларимиз садоқат ва фидойилик билан хизмат қилмоқда. Сиёсий савияси етук, мустақам фуқаролик позициясига эга қўллаб йилит-қизлар парламент ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг аъзоси сифатида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳўкимият идораларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатяпти. Дастлабки ислохот сифатида миллий давлатчилигимиз учун “итоатгўй дастёр”лар эмас, мустақил фикрли, интеллектуал салоҳиятли авлодни қамолга етказишга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ёшларнинг давлат бошқаруви соҳасидан хабардорлиги оширилди. “Парламент ва ёшлар”, “Ҳўким ва ёшлар”, “Армия ва ёшлар” каби лойиҳалар шулар жумласидандир. Ёшларнинг давлат бошқаруви соҳаси билан яқиндан танишиши, табиийки, уларнинг давлат хизмати тўғрисидаги тасаввурининг кенгайиб, келгусида ушбу жараёнинг муносиб иштирокчиси бўлишига замин яратяпти. Давлат ўзининг бундай ошқора ва демократик функцияси орқали,



бир томондан, ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий фаол ворисларни етиштириш, бошқа томондан, ёшларнинг турли деструктив кўчлар таъсирида бегоналашувининг олдини олади. Иккинчидан, узлуксиз таълим тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш соҳасидаги сай-ҳаракатлар ёшларни жисмонан ҳамда маънан етук, Ватан учун фидойий шахслар этиб тарбиялашни назарда тутяпти. Зотан, мамлакатимизда йўқолиш даражасига келиб қолган мактабга таълим тизимининг қайта тиклангани ёхуд ўспирин ёшлар таълим олувчи ўрта махсус, касб-хўнар таълим тизимининг босқичма-босқич тақомиллашуви ҳамда олий таълим тизимининг тубдан ислохот этилаётгани давлатимизнинг соҳадаги қатъий сиёсати самарасидир. Натيجида мактабга таълим тизимининг қамрови 8 фоиздан 40 фоизга ошди. Жамоатчиликнинг фикри эътиборга

олиниб, умумтаълим тизими оптималлаштирилди. Умумтаълим мактабларининг 10-11-синфларида ўқув жараёнини давом эттиришнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизими меҳнат бозори ва замон талабларидан келиб чиқиб, тубдан ислохот этилди. Президентимиз табриғида қайд этилганидек, кейинги уч йилда республикамиздаги олий ўқув юрталари сони 60 фоиз ошди, 116 тага етди. Улар орасида нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари борлиги алоҳида эътиборга лойик. Мамлакатимизда олий таълим муассасаларига қабул квоталари сони исчи олдирилмоқда. Агар 2016-2017 ўқув йилида бу рақам 58 мингтани ташкил этган бўлса, жорий йилда 150 мингтага етади. Яъни бу йил мактаб битирувчиларининг 25 фоизи олий ўқув юрталарида ўқиш имконига эга бўлади. Хўлбуки, 2017 йилда бу рақам 9 фоизга тенг эди. Макур имкониятлар ёшларда

эртанги кунга бўлган ишончи ортинги ва ўзининг Ватан олдидagi масъулиятини англаган замонавий мутахассис бўлиб етишишига замин яратяпти. Учунчидан, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш ташаббус ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдидлар тобора хавфли тус олаётган бир пайтда муҳим саналади. Санъат ва мусиқага мойил инсондан ёмонлик чиқмайди. Қалби бор одамдан эса давлат ҳам, жамият ҳам катта наф қўради. Чўнки у эътиқодли бўлади. Эътиқодли одам ёмонликдан ҳазар қилади. Маданият даражаси юқори бўлади. Маданиятли шахс эса мустақил ва эркин фикрлайди, у ҳеч қандай алдовга учмайди. Училигини, тарихини, миллий қадриятларини, оила ва Ватанини муқаддас билади. Жисмоний бакуватлик ва тан саломатлиги ҳам муҳим масалалардан саналади. Инсон фаолиятининг самарадорлиги айнан соғлиқка боғлиқ. Чўнки танаси соғ одам соғлом фикрлайди, ишида унум бўлади. Ёшларнинг бугунги ахборот технологиялари борасидаги муайян билимга эга бўлиши ҳам муҳим. Сабаби, бугун илм-фани пухта ўрганишда хорижий тил ва ахборот-коммуникация технологиясидан хабардорлигини даврининг ўзи талаб қилаёттир. Маърифат инсонни қамолотга йўллайди. Маърифатнинг манбаи эса китобдир. Китоб мўлолааси тафаккур ва билимга ундайди. Шунингдек, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳам давлатнинг ушбу қатлам вакиллари олдидagi вазифаларидан саналади. Хотин-қизларни давлат ва жамият бошқарувида жалб этиш барча ривожланган давлат учун устувор вазифа саналади. Зеро, аёллар ҳам меҳнат қилиш ҳуқуқига эркинлик билан тенг мақомга эга. Уларга бандлик учун шароит яратиш давлатнинг тараққиётига хизмат қилади.

Тўртинчидан, давлат ўзининг миллий давлатчилигини шакллантиришнинг янги босқичида илм ва маърифатга асосланётгани ҳам диққатга сазовор. Хўсусан, пойтахтимизда бунёд этилган муҳташам Ғалаба боғи, “Шон-шараф” музейи, бетакор Адиллар жиёбони фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида қамол топтиришга хизмат қилади. Давлат ўз функциялари орқали фарзандларимизга ҳар бир давлат ва унинг муайян даври тарихий аҳамият касб этишини, у тарихда кейинги авлодлар учун ижобий ёки салбий из қолдиришини сингдиришга интиляпти. Яъни бугунги ёшлар нима деса ҳам ишониб, кўниб кетаверадиган кечаги ёшлар эмас. Оила учун қобил ва оқил фарзанд қанчалик зарур ва истиқболли бўлганидек, давлат учун ҳам муносиб ворислар фаровон келажак қарорати саналади. Ҳар қандай жараёнда бўлгани каби давлатнинг бошқа жаражатлардан тежаб, ёшларга оид давлат сиёсатида йўналтирилган харажатларнинг ҳам иккинчи томони, яъни яратилган имкониятнинг натижаси кўринишини ёшларга тўғри ва ётғи билан тушунтириш керак. Буни ҳам жамиятнинг ҳамма аъзолари, барча ижтимоий институтлар, давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг бутун институтлари ҳамкорликда амалга ошириш лозим. Энг муҳими, ёшлар воёга етиб, етук мутахассис бўлиб шаклланиб, мустақил ҳаётга қадам қўйган, уни Ватан улугвор вазифалар билан кўтаётганини ифтихор ва гурур билан англаши даркор. Президентимиз табриғида қайд этилганидек, халқимиз, Ватанимиз ёшлардан буюк ишларни кутмоқда. Шу муқаддас ишонч ва масъулиятни ҳар томонлама оқлаш, унга муносиб бўлиш — дунёдаги энг улуг бахтидир. Бу ҳақиқатни бугун ҳар бир йилит-қиз юракдан туйиб, яшаши керак.

АДАБИЁТ — ЖАМИЯТ ИММУНИТЕТИ

Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонида мувофиқ Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланди. Бу адабиёт ихлосмандлари, жумлдан, таҳририятимиз ходимларини ҳам беиҳтисоб хурсанд қилди.

Ижодий қийнокни шараф деб билган шоиримизнинг ҳар бир мисраси қалбда, онгда ва атроф-муҳитда кечаётган жараёнларни тафаккур элакларидан ўтказиб, бетакрор гўзал бадий топилмаларга айлантиргани билан эътиборга моликдир. Куйида тақдим этилаётган мақола забардаст адибнинг серқирра ижоди таҳлилига бағишланган.



Олим ТОШБОВЕВ,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

Усмон Азимнинг “Бахшиёна” туркуми ёдингизда бўлса, Алломиш Қалмоққа кетаёт-тиб, Барчинга қараб бундай дейди:

*Оламда кўп эрур иборат,
Бир сўз бор — оғриқдан иборат.
У — Ватан! Барчиним, у — Ватан!
Боламага “Ватан”, де ilk бор.*

Ушбу шеър ёзилганда тугилганлар қирққа кирди. Ёлгон лашкар тортиб, юртни, қалбларни забт этган бир даврда битилган бундай сатрлар зимистон кўнгилларга чироқ эди, гўё. Ёлгонни рост деб билган омма ҳақ сўзда хатар қўради ўша пайтларда. Йўқсиллар дохийисига алдов ёт. у киши фақат бир кунгина, азбаройи инқилоб учун ёлгон гапиришга мажбур бўлган, деган уйдирма салкам бир аср ақда бўлганини эҳтимол бугунги авлод билмас. Мусулмон одам ёлгончи бўлмади, дейилади ҳадиси шарифларда. Таассуфки, халқимиз бош-адоқ ёлгон сиёсатларни беҳад кўп кўрди, мунофиқликдан, сохта ақидалардан кўп жабр чекди. Усмон Азим сингнани сароб бўлиб чиққанлар номидан бундай бонг урган эди:

*Мен чарнаб сана сундиим, Ҳақиқат,
Соат бонг урмақча,
Гапласайлик, кел,
Қўрқма, утиб кетди бир кунлик даҳшат.
Бугун иккинчи апрель,
Ҳақиқат,
Иккинчи апрель...*

Бу шеър рибзорликни шоир қилган сиёсат ва тузумнинг ёлгон гоёнинг асл қиёфасини ўша вақтдаёқ кўрсатиб бергани билан қадрли. Утган асрнинг иккинчи ярмида адабиёт ҳақ сўзни айтишда ўта қалтис, мураккаб вазиғани зиммасига олди, янги авлод рост тугилар тараннумини гоҳ очик, гоҳ пинҳон кўйлаб бошлади. Фаё адабий авлоднинг энг катта орзуси шахслар жамиятини барпо этиш эди. Усмон Азим айтмоқчи: “Адабиёт шахсинг бутунлигини хуш кўради. Масалан, мунофиқ қимса ёзувчи сифатида ҳам шу таразда қолади. Феъл-авторининг ноқисливи сабаб, бир қарашда истеъдодли кўринса ҳам, асл адабиётга дахли бўлмайдими. Баъзан эса унга жиддий зарар ҳам етказилади. Тарих шохид: фақат тили ва дили бир зотларини катта Адабиётини яратган. Алишер Навоий, Пушкин, Лев Толстой...”

Олов рубўри турганинг қорачиларида ёнгани каби ботиндан отилиб чиққан учкун — мисралар ҳақиқатга ташна ўқувчилар қалбини ҳам ёқди. Оташнинг шариқат ҳақиқат ва разолатга қарши курашда яловбардор бўлди. Рамзлар, тимсолларга бурканган, халқ ва ватан дарадда битилган сўз шу қадар қудратли куч эдики, унинг мисраси ҳарорати олдида Намрудиннинг Иброҳим қасдида қалаган гулхани ҳеҳ!

Яқин ўтмишимизни гофил элнинг эртаси ёруғ бўлмаслигига яққол далил, дейиш мумкин. Мозийнинг яна бир сабоғи шуки, тафаккур эмас, тақдирчиликни шараф деб биладиган, истеъмоличликни фаровонлик белгиси деб тушунадиган омма учун энг катта рақиб — ФИКР. Адабиёт — жамият иммуниети. Иммуниет қанча кучли бўлса, омманинг тафаккур даражаси шунча юқори бўлади, халқ ўзини англаб етади. Адабиёт деган сирли оламга дарз кетса, жамият ҳам таназзулга юз боради. Мустақид давр миллий тафаккурни уйғотишга чоғланган адабиёт фикр кушандаси саналмиш нафсини майин, аммо муназам қаршилликни истисно этмасликини ҳам уқтиради. Уққан бўлсақ, бош устига!

Усмон Азимнинг шу ро даврида битган “Чумоли ҳақида нутқ”и худди ана ўша гофил, оғзи қалбини айтиш учун эмас, нафс учунгина яралган молмардумкўрлар ҳақида эди:

*Ўраб олди махлуқлар чиндан,
Бузиб орнинг хечарасини,
Ҳатто она Хўррият қилган
Васиятлар тегазрасини.*

Қалби мудом ҳақ ва халқ билан пайваста шоир бу шеърни хув ўша опис йилларда эмаз, кучи кеча ёлғандай туюлаверди. Ижодкор шахси миллат шахсияти билан пайваста бўлмаса беқор.

Шоирнинг “Турди Фароғий” шеърда ҳам элни бирлаштиришга бел боғлаган, лекин

орзуи ушалмай ўтган куюк кўнги фарёди тасвирланган. Турди Фароғий: “Бу элни, бу тупроқни улоқ қилиб қолишти”, дея зорланади. “Битиктошлар ораси” шеърда эса инқирога юз тутган туркий олам фожиаси акс этади:

*Мен Усмон эмасман, Алтегинман — мен
Энасой бағрида тўлганган гоё.
Ватан озодлиги йўлида шахид кетган
“Сарбадорлар кўшиги” хаёлини опис мезийга
етақлайди. Усмон Азим “Йигирма бешинчи
йил”, “Қурбошининг ўлими” шеърларида “Бе-
ражакмиз жонни — беминнат! Хўрликдаёи
она юрт учун”, дея ёвга кўксини қалқон қил-
ган фидойиларни мадҳ этди. Аммо “Омад
келиб қолганин сезиб” хиёнат йўлига ўтган-
лар туйфали ватанпарварлар махв бўлади.
Пировардида “Нурсиз қисмат измига қирад,
Душманларга топширилган юрт”.*

Ватанни севиш, миллатпарварлик туйғуси шоирнинг драматик ва насрий асарларида ҳам яққол кўринади. Ўндан зиёд саҳна асари ёзиб қўйган сермахсул ижодкорго бу борада ҳам рақобатчи йўқ. Усмон Азимдан кунига бир шеър ўқимаса ухлопмайдиغان муҳлисларнинг драматургия ва наср шеърга сизмаган дард туйфайлимикан ёки шунчаки бир ишқибозлик, деган саволига муаллиф: “Шоирларнинг деярли хаммаси ҳам вақти келиб, ёндош жанрларда ижод қилишга жазм этган. Навоий, Пушкин, Лермонтов, Лорка... Назаримда, бу ҳол ўзини тўлиқроқ ифода этиш иштиёқидан тугилса керак”, дея жавоб берган эди.


Ҳақрост, дунё адабиётида бўлгани каби миллий адабиётимизда ҳам назм ва насрда бирдай қалам сурган ижодкорлар кўпай топилади. Чўлпон, Ойбек, Фафур Фулом, Асқад Мухтор ҳар икки жаҳда гўзал намуналар яратган. Бу улў зотлар шижоати ва кейинги авлодлар ҳам хавасманд бўлди. Икки фронтда жанг қилишга чоғланмиш бугун ҳам унда-бунда кўриниб қолади. Аммо “ишқ бошқа, ҳавас бошқа” деганларидек, асарийат қаламкашлар даъвоysi “Ўз ўлида кескан кесмаган, бировнинг уйда умоч увобиди” мақолини ёдга солади. Очирқоқ айтгандай бўлсақ, наср ва драматургия ижодкордан катта ҳаётий тажриба ҳам талаб этади. Халқлиқ асар яратилиши энг муҳим шарти халқ руҳиятини англашдир. Миллатнинг руҳи ўз ижод маҳсули — достон, эртақ, мақол ва маталларида муҳассама. Халқ достонлари — назм ва наср уйғунлиги. Мана шу уйғун руҳда тарбия топган Усмон Азим роса қирқ ёшида — ижоди камолга етган бир пайтда насрда ёза бошлади. Илк туркум — “Севги”, “Ғоз” ва “Бировнинг умри” ҳикоялари 1991 йил “Шарқ юлдузи” журналда Шукур Холмирзаев ёзувида нашр қилинди. “Алломиш”га ҳамоҳанг ва замон руҳини акс эттирган ва асарларини адабий жамоатчилик эътироби этди. “Яхши шоир яхши носир ҳам бўлиши мумкин”, деган фикр катта-кичик давраларда айтила бошлади.

Усмон Азим шеърятда илҳом ва шиддатни қандай уйғунлаштирган бўлса, ҳикояларида ҳам бу ўзига хос завқ-шаҳв қяқол кўриниб туради. Шеър ва балладалардаги сюжетлилик, шоирона ниғоҳ насрда ҳам ички оҳангни сақлашда жуда кўл келди. “Ғоз” ҳикояси мавзу ва йўналиш нуқтаи назаридан “Сиз билмайдиган замоналарда” — Алломиш ва Қўражон” ҳикояларида давом этирди. “Сиз билмайдиган замоналарда” ҳикояси қаҳрамони “Бахшиёна” туркуми билан элда танилган Эломон бахшидир. Лекин ҳикоя “Бахшиёна”нинг насрий табдили эмас. Усмон Азим асарга жуда порлоқ, улўвур абадий гоёни сингдирган. Шоир Алломишнинг юртга қайтишини, салтанат соҳибининг яна Бойсун — Кўнгирутга эгалик қилишини чин дилдан истаиди. Унинг бир ўкинчи бора:

*Бойчиборсиз қолган элнинг
Ҳоли энди не кечар?..*

Аслида бу гоё шоирнинг талай шеърларида ҳам акс этган. Ҳикоядаги драма ҳақиқатгүй, тўғрисиўз Ҳаққул бахши ва оққунгил, самимий Эломон бахши ўртасида кечади. Ҳаққул бахши “Ростини айтмоқ — тариқат, отам ҳам, энам ҳам — ҳақиқат”, дейди. Халқнинг кутгани, Эломон бахшининг топгани Алломиш эмас. У — Ёлгон. У — Сароб. Лекин у ўзини Алломиш деб танишдан чарчамайди. Куйиб хор бўлган эл Ёлгоннинг этагидан тутайди. Уни тавоф қилади алп деб. “Юртга Алломиш қайтиди...” деган ўтириқ ҳар ерда ўрмалайди. Ҳаққул бахшининг шубҳа-ғумонларига биров қайрилиб қарамайди. Дасти узун, лашкари кўп Ёлгон Ҳаққул бахшини Ойнақулнинг ёқасида бўғизлайди. Лекин тўғрисиўз бахшининг жонига қасд қилганлар топилмайди. Ёлгон салтанат қотилларни бўш қўяди...


“Севги” — ўзбек ҳикоячилигининг энг сара намуналаридан бири. Сарлашгани ўқиган ўқувчи ошқ-маъшуқларнинг беадаб, чумал ҳою ҳаваслари, узун-узун орзулари ва, албатта, кўнгилишу саҳналарни кўз олдида келтириб варақлай бошлади. Лекин тезда бунинг аксини — ўтган тузумнинг, унинг жойибали гоёларига инонган одамларнинг



Ватан озодлиги йўлида шахид кетган “Сарбадорлар кўшиги” хаёлини опис мезийга етаклайди. Усмон Азим “Йигирма бешинчи йил”, “Қўрбошининг ўлими” шеърларида “Беражакмиз жонни — беминнат! Хўрликдаёи она юрт учун”, дея ёвга кўксини қалқон қилган фидойиларни мадҳ этди.



1987-1989 йилларгача жадидлар ҳаёти ва ижоди оммадан жуда ҳам сир тутилган, бармоқ билан санарли даражадаги мутахассисларгагина маълум эди. Ўзликни англашнинг энг муҳим, самарали ва таъсирчан йўли сифатида тадқиқ қилинган миллат маърифати пировардида жамиятнинг уйғонишига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Усмон Азим мана шу долғали, мураккаб ва серқирра даврда шахс ва ижодкор сифатида ўзининг фаол фуқаролик позициясини намоеён этди.



аянчли тақдирини кўради. Тақдирларки, унутилган, улоққан, беэшфат турмуш зарбаларидан абгор бўлган...

Ҳикоя қаҳрамони Абдурахмон Чаганада юрган оддий қишлоқ боласи эди. Болалар уйда тарбияланган ийигт ҳақорат ва адолатсизликни кўтаролмайдиған, ҳақиқатпараст бўлиб ўсади. Аммо армия ҳаёти унинг тақдирини ўзгартириб юборди. Ҳикоядаги Маша ва Салима образлари миллат аёлларининг севаги-муҳаббатга, инсоний кадр-қимматга садоқати рамзи. Эҳтимол, миллий характер муаммоси ҳам мана шу образлар орқали намоеён бўлгандир? Маша учун севиги қайф-сафо, тўкин ҳаёт, ашир-нашир дастурхон бўлса, Салима учун бир умрлик сир, қалбга қўмилган ҳазина, юракнинг бебаҳо ганжигаси. Абдурахмон-чи, дерсиз. Утмишини, ўзлигини унутган, жонбахш томиларидан узоклашган Абдурахмоннинг туйғулари ҳам ўлиб бўлган. У энди бошқа бир муҳит ва жамиятнинг одами. Ҳикоянамис иброс ва чиркин муҳит инсоннинг энг нозик ҳис-туйғуларини ҳам ўлдириб юбориши мумкинлигини мазкур образ орқали ҳаққоний кўрсатиб беради.

Дарҳақиқат, “Севги” — фожиавий асар. Асардаги асарийат қаҳрамонлар тақдирини аянчли. Ҳикоядаги бир деталь — “Уткан кунлар” китоби рамзий маънога эга. Малларанг муқовали асар Абдурахмонга ўтмишини, севиғни эслабти туради. Ҳикоячи ҳам ёзувчи қўшилиб китоб Абдурахмоннинг ўлган хотирасини тирилтиришини, китоб унга эзулгунлар, яхшиликлар ҳаёда этишини, болалиқдаги каби беғуборлик, мардлиқ ва олимжақлик унга яна қайтишини истаиди. Лекин на чора! Абдурахмон ўша биқик, уфунат босган ҳаётни, фарзанди орқали боғланган ўргимчак турмини қўймаб йўлга тушади. Ёзувчи инсоннинг мураккаб махлуқ экани, феъл-ҳўйи ҳатто ўзига ҳам бўйсунмаслиги ҳақидаги ҳақиқатларни аянчли тақдирлар мисолида ифодалайди.

Шоирнинг охириги йилларда эълон қилган ҳикояларини олам ва одамнинг мураккаб-лиғидан тўлиқиб кетган қалб кечинмалари дейиш мумкин. Адиб бу битиклар орқали замондошларимиз қиёфасига чизгилар беради. Профессор Қозоқбой Йўлдошев: “Усмон Азимнинг ‘Ихшонодаёи кўразма’, ‘Бир даста қизил атиреул’, ‘Ходимлар бўлими бошлиғи’ дея номланган триптихи — ушлқ ҳикоясида эзуллик, эзуллик, эрк ва одамийлик сингари юксак туйғулар инсонни улўлаштириш одамларро муносабатларинга чизал ва тушунарлилик ориинал воқеалар тасвири асосида улкан маҳорат билан кўрсатилган. Бу асарлар тасвиринга ҳаққоний ва таъсирчанлиги, тилнинг жойибаси, сюжетнинг пухталлиги, персонажлар руҳиятининг теран ифодасига кўра, очун ҳикоячиликнинг энг сара намуналари билан бемалоп беллаша олади”, дея юксак баҳолайди.

“Тонг отган тарафларда”

Усмон Азим ушбу насрий-драматик достонини онаси Менглиқоли Холиёр қизига бағишлаган. Драма “Алломиш” достониди кичик бир эпизод-лавҳадан ўсиб чиққан. Шакаман тоғида яшовчи овчи элнинг бир фарзанди тилсололда Кўк Тангрига сингунчи туркийлар ҳаёти тасвирланади. Асарда бу гоё Олтой тоғларидан Ҳазар денгизигача ўрмондай шовиллаб турган Тонгли эли дея сифатланган. Тонгёрғи она Угли Ёлғиз Мерганга туққан элини таништирляпти: “Оллойдан Ҳазаргача от сурган элне бор эди, Ёлғиз Мерган. Қишловдан яйлөвдан кўсча, илқилларнинг туйғи тағида қолиб келмайлик, деб бошқа

улўслар кўз кўринмас жойларга ўзларини оларди. Элиннинг бағрикенг, қудратининг чеки йўқ — давлатининг шавақташа етти иклиннинг подшоҳлари таъзим қилар эди! Шундай эл йўқ бўлди!”

Турк ҳоконлиқлари, туркий салтанатларнинг тарих бағрига сувдай синиб кетгани асарда мана шу таразда дард билан айтиб ўтилади. “Алломиш” туркий халқлар эпоси экан, унда турк элнинг минг-миг йиллик армон-ғамлари, изтироб ва қайғулари акс этмаслиги мумкинми? “Тонг отган тарафларда” насрий-драматик достони мана шу жиҳатларига кўра ҳам катта аҳамият эга. Достондаги Ғоз Ҳақимбек ва Бойсун — Кўнгирут эли ўртасидаги халоскор, элчи бўлса, драматург бундан унумли фойдаланиб, Ғозга тиркилик тимсолни сифатида қарайди. Ёлғиз Мерган гоэни отолмаса, ҳаёти тугайди. Шўрлик она аслида унга “Ўқинг ҳато кетмасин...”, дея таълим берган. Асардаги Она ва Ўғил ўртасидаги суҳбат, Мангукунинг васияти, Алломиш ва Барчинининг Ёлғиз Мерган жонини сақлаб қолиш учун хатто Ёдгорни кўрбонликка бериши, Ёдгорнинг жўмардлиги томошабини ҳаяжонга солади, албатта.

Асарда Булган Калнинг Тонгёрғуқа қарата айтган: “Бу дунёда фидокорнинг иши оғирдир! Қайси фидокорнинг манғайли яққираб бу дунёдан ўтди? Сен бу дунёни мароқ деб ўйлама!” деган гаплари бежиз эмас. Тонгёрғу Ғозни — элчини сақлаб қолиш учун ўғлининг йўлини тўсди. Алломишнинг қайтиши, Бойсун — Кўнгиротнинг қайтиши-янашун учун қилди бу ишни. Бу — бир фидойлик. Иккинчи фидойилиги, Онамзор авлодни сақлаш, ўлим ёқасида турган ўғлини кутқариш учун Тангрига илтижо қилиб Ғозга айланади ва ўғли беозор кўш — Онани оти олади. Онанинг ўлими Тонгли элнинг омонлиги эди.

Истиқлол йилларида кўнчилигимиз худобехуда, баъзан эрмак учун, баъзан фикрга безак сифатида аср бошида яваз ўтган улў маърифатпарварларни тилаб олдик, лекин бу миллатсеварлар номи мустақиллик арафасидаги маънавий-мафкуравий курашларда эвазига қайтиб келганини билмас эдик. 1987-1989 йилларгача жадидлар ҳаёти ва ижоди оммадан жуда ҳам сир тутилган, бармоқ билан санарли даражадаги мутахассисларгагина маълум эди. Ўзликини англашнинг энг муҳим, самарали ва таъсирчан йўли сифатида тадқиқ қилинган миллат маърифати пировардида жамиятнинг уйғонишига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Усмон Азим мана шу долғали, мураккаб ва серқирра даврда шахс ва ижодкор сифатида ўзининг фаол фуқаролик позициясини намоеён этди.

Жадидлар меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, улў орзу қилган гоёларни байроқ қилиб кўтариш республикамизда 90-йиллар ўрталаригача гуриллади. Истиқлолга беш йил тўлиб-тўлмай, мавзунинг долзарблиги номаълум сабабларга кўра соҳна бошлади. Матбуотда, телевиденде ва радиода, илмий тадқиқот ишларида ўрганилиши сусллашиб, янги аср бошида деярли тўхтади. Мустақиллик арафаси ва истиқлолнинг дастлабки йиллари ҳар кунӣ ёд этиладиган маърифатпарварлар номи унутилиш даражасига етди. Аслида эрк ва хўрият учун умрини тиккан жадидлар гоёси истиқлолга эришган Ўзбекистоннинг миллий мафкураси сифатида жаранглаши лозим эди. Таассуфки, янги тарих ҳам бошқа ўзандан кетди...

Усмон Азимнинг улўг адиблар ҳаётига бағишланган драмалари “Илдизи” ўтган асрнинг 80-йиллари бошида битилган “Абдулла Қодирий”, “Усмон Носирнинг сўнги туйғи”, “Ойбекнинг сўнги шеър”, “Мақсуд Шайхзода” каби шеърларига бориб тақалади.

*Ёмғирдай бир согинч кўксимга тўлиди,
Юракка тутаюди нотаниш гулу.
Ногоҳ Ватанимни кўрганай бўлдим,
Қодирининг худди ўзи эди у.*

Қонхўр сиёсат қиличи уйнаб турган замонда бундан ортиқ ёзиш ҳалокатли эди. Шоирнинг ватанга ўкинч билан берган таърифи ўшанда нозик дидли ўқувчиларга катта ҳақиқатларни аниқлагани, шубҳасиз. “Усмон Носирнинг сўнги туйғи” шеърдаги қуйидаги сўров бекитилган тарихга ишора аслида:

*Тонготараг бокдим-да, бирдан —
Қўрғамини қолдим кучоқлаб.
Уфқ нега қонга беланган,
Ким омонни келди пичоқлаб?
“Мақсуд Шайхзода” шеърдаги сўнги тўрт сатр қандай сирдан огоҳ қилмоқда?*

*Қора ранга қўл тегизма,
Шафқат ҳам керак анда!
Мен кечирдим, наҳотки, сен
Кечирмайсан, келажак...*

Мустақиллик гоёси емирилиб, қора булутлар тарқай бошлаган йилларда Усмон Азим “Ўттиз саккизинчи йил. Лагер”, “Эллик йил аввал ҳам у чечан эди, “Абдулла Қодирий миллатчи”, дерди”, деган шеърлар битди. “Чўлпон” шеърда шоир тилидан “Менинг тақдирим — қийноқ, Фақат тун аро умрим”, деб ёзди. Хуллас, ижодкор “Адибнинг умри”, “Абдулла Қаҳҳор”, “Кундзисиз кечалар” пьесаларини битишга руҳан ва маънан тайёр эди. Ижодкорларнинг таваллуд саналари туртки берди, холос.

Ёдингизда бўлса, “Адибнинг умри” пьеса-си бундай бошланади: “Ойбекнинг боғи. Чўлпон, Саидносир Миржаллов супада ўтирибди. Улар қопдан китоб олиб, бирин-бирин варақлаб кўради. Ойбек самовар ёнида — чой қайнатиш билан овора. Абдулла Қодирий гулзорнинг четиди бир гул тепасида, унга тикилганча турибди.

Чўлпон. Ойбек, ўзбекининг қичици бўлгунча... А?

*Ойбек. Сўрамсан!
Қодирий (қўзини гулдан узмасдан). Абдулла-мид, Муса ўзбекининг қичици бўлмай, қими бўлсин?*

Чўлпон (қўзи китобда). Каттаси бўлсин... Қодирий. Ўзбекинг каттаси қолмаган, Абдулламид!

Миржаллов (китобдан бош кўтариб). Абдулла, нималар деясан?

*Қодирий. Маълум халқнинг, бўйини қисиб яшайдиган халқнинг муқамаси бўлмайди!
Чўлпон. Катталари қаерга кетаркан?.. Қодирий. Қаерга кетатганини билмайсанми?*

Чўлпон (узюк сукатдан сўнг). Биламан... Миржаллов. Абдулла, ундай дема!.. Худода шукр, сен борсан, Чўлпон бор!..

Қодирий. Булар куч олди! Энди ҳеч қимни омон қўйишмайди.

Драматург боғ манзарасини бежиз кiritмаган. Боғ миллат маънавиятининг тимсолли. Бу беқиеъ гулзордаги гуллар — халқнинг асл фарзандлари. Муаллиф Ойбек бошидан ўтказган тухмату қийноқлар орқали давр манзарасини чизади. Драматургининг ютуғи шундаки, асар фактлар шарҳидан иборат бўлиб қолмай, балки ҳар бир образ томошабин кўз ўнгига феъл-автори ва зиммасидаги “вазифа”га кўра, тартиқ одам бўлиб гавдаланади. Асардаги Отиқўш, Мисраид, Зоҳид, Сафар, Ботир ана шундай образлар сирасига қиради. Муаллиф пьесага бу номлари шунчаки бир илова тарида киритмаган. Бу персонажларнинг прототиплари мавжуд. Асар воқеалари 30-50-йилларда бўлиб ўтганини эътиборга оладиган бўлсақ, “қаҳрамонлар”нинг қиладиган талай “иши” бор. Ойбекнинг бағрикенглиги, жўмардлиги асарда жуда ғайрийоғли тасвирланган. Хиёнатга меҳр билан жаовоб бериш, тавба қилиб келган бошини силан чин муоулмонининг иши. Кеңиримли Ойбекнинг катта қалби томошабини хайратга солади, одам қалби билан ОДАМ экан-да, дея ўйлашга мажбур этади.

Ўзбекининг буюк шоири Абдулҳамид Чўлпонга бағишланган “Кундзисиз кечалар” асарини ўзимизга тугилган кўзугу дейиш мумкин. Халқимизнинг аянчли тарихи ҳақидаги асар номи, биринчидан, даврга ишора бўлса, иккинчидан, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи сарлаҳасига уйқаш қилиб танланган. Пьесада Чўлпон яшаган муҳит, қатагон даври, мустақиднинг хийла-найранглари ва айрим зиёлилардаги шахсий фарз-нафратнинг ижтимоий иллатга айланишию, миллат зиёиларининг маҳв этилиши тарихий мағбалар асосида ҳаққоний тасвирланган. Чўлпоннинг қуйидаги дардчи сўзлари унинг васияти эди аслида: “Адабиёт яшаса миллат яшар, адабиёт гулламаган ва адабиётнинг тараққийсига чалшмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан фикран маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур”.

Адабиётшунос Шухрат Ризаев “Кундзисиз кечалар”, “Адибнинг умри” ва “Абдулла Қаҳҳор” номли ижтимоий-тарихий-биография асарларини “адабий уқлик” — “трилогия” деб атайди. Усмон Азимнинг бу асарлари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, тарих, адабиётни танишида беқиеъ аҳамиятга эга.

Жўшун ижоди етмишда ҳам гуриллаб турган адиблар кўп эмас. Элим деган шоир бамисоли Қазба қопқасида турган посбон. Зеро, ҳақиқатгүй шоирнинг ёш авлода айтар сўзи буид:

*Юраер. Қолма йўлдан.
Қолган қолар. Ачинма.
Чўчила ҳеч нарсадан —
Ўзбекистон олиндо.*

*Бўтир бир. Олга юлур.
Қўрқма ҳул хил қотулдан.
Аҳир, тоддек сунгичинг —
Ўзбекистон ортиндо.*